ҒЎЗАНИ СИФАТЛИ ПАРВАРИШ ҚИЛАЙЛИК!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 82 (3054). | Чоршанба, 28 апрель 1965 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ПЕШҚАДАМЛАР ДАЛАСИДА

КУЗАККА бориб қадрдон далаларидан мўл ҳосил йиғиб-териб олишни орзу қилган деҳқонлар шу кеча-кундузда ғўза ниҳолларини ўз фарзандларидек авайлаб парваришламоқдалар. Ўрта Чирчиқдаги «Коммунизм» колхозининг моҳир механизатори ўртоқ Тошмат Усмонов бошчилик қилаётган комплекс механизациялашган звеносининг аъзолари ҳам ана шундай ишчан деҳқонлардан. Уларнинг бу йилги мақсадлари мавжуд 40 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 26 центнер ўрнига камида 30 центнердан пахта етиштириш.

Ҳосилдорликни оширишнинг ўзи бўлмайди. Бунга эришиш учун деҳқончиликдаги ҳар бир ишни оби-тобида бажариш керак. Звено деҳқонлари буни яхши тушуниб ҳолда иш юритишяпти.

Улар кўнгилдагидек қилиб тайёрланган ерларга чигитни қулай агротехника муддатларида экиб олган эдилар. Ҳозир ҳамма пайкаллардаги чигит бир текис униб чиқди. Механизатор-звено бошлиғининг ўзи ғўза қатор ораларига сифатли ишлов беряпти.

Фотомухбиримиз А. Абалян олган мана бу суратда звено даласида ғўза қатор ораларига ишлов берш пайти акс эттирилган.

ЯШИЛ КВАДРАТЛАР

Бугун Турсунбой Пардаев бошлиқ участка пахта далаларида бўлсангиз, баҳри-дилингиз очилади. Ер бетини мурғак ғўза майсаси қоплаб бепоён далаларга фаиз киритибди. 5—6 кун қанғариб қўйилган универсаллар қайта гуриллай бошлабди. Ғўзанинг дастлабки парваришига киришилибди.

Хўш, бундай муваффақиятга қандай қилиб эришилди? Участкада пахта майдонлари звеноларга тақсимлаб берилди. С. Тошхўжаев, Х. Камтаев ўртоқлар даланинг хўжайинлари этиб тайинланди. Етарли техникага эга бўлган, шу техниканинг тилини, ерсув шароитини яхши билган звено бошлиқлари чигит экишга ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрдилар. Кафтдек текисланган, бегона ўт илдизларидан тозаланган карталарга мавзутида сара уруғ ташлана бошланди. С. Сайдимобидов, Н. Билолов ўртоқлар механизатор-звено бошлиқларига кўмакдош бўлиб, сеялкадан чигитнинг бир текис тушишини таъминладилар.

Участкада 160 гектар пахта майдони бор. Шундан 100 гектарига чигит квадрат-уялаб жойлаштирилган. Деҳқонларнинг ишончлари комил. Гектаридан 25 центнердан ҳосил кўтаришмоқчи. Бу Бўка районидаги «Ленинизм» колхози шароитида кам ҳосил эмас. Ҳозирги ҳаракат куздаги баракатдан дарак бермоқда.

С. ШАРАФХОНОВ.

МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН

Калинин районидаги Ленин номли колхозининг ўртоқ Наби Абдуазимов бошлиқ бригада шаҳар аҳолисига кўпроқ сабзавот, картошка ва полиз экинлари етиштириб бериш учун курашмоқда. Бригада аъзолари кўклам экиш кампаниясига барвақт киришди. Деҳқонлар бундан бир ҳафта илгари белгиланган ерларга картошка экиб бўлди. 8 гектар ерга эса сабзавот экинлари экиб қўйилди.

— Бригадамиз аъзолари, — дейди ўртоқ Абдуазимов, — гектар бошига олинадиган ҳосилдорликни ўтган йилга нисбатан яна ҳам кўпайтириш чорасини кўрмоқдалар. Сабзавот экинлари етиштиришда маданий ва минерал ўғитлардан кенг фойдаланишни йўлга қўйдик. Ҳозир гектар бошига 10-12 тоннадан ўғит чиқарилди.

А. РАИМБОЕВ.

ГЕКТАРЛАР ТЎЛИҚ, КЎЧАТ БУТ БЎЛСИН

Улуғ айём — баҳор байрами қалбларга завқ ва шавқ бахш этмоқда. Ҳамма ерда байрам нашидаси: завод ва фабрикаларда, колхоз ва совхоз даларида миллионларнинг ижодий ва яратувчилик меҳнати бутунлай мавж урган. Майдон вахтасида туриб ғайрат ва шижоат кўрсатаётган азаматларнинг меҳнат зафарлари, ғалаба рапортлари қалбларимизга чексиз қувонч ва куч бахш этяпти.

Етти йилликнинг сўнгги йили биринчи квартал планини муваффақиятли якунлаган областимиз ва пойтахт саноати ходимлари навбатдаги ишларга ҳам зафарли одим ташладилар.

Далаларимиз файзига-файз қўшаётган, мўл-кўлчиликни яратиш йўлида маҳкам бел боғлаган деҳқонларимиз чигит экишни республикада биринчи бўлиб тугаллаганларидан сўнг ҳамма ерда барака уруғини тез ва бехато ундириб олиш, қатор ораларида ишловни кучайтириб юбориш иштиёқида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Колхоз ва совхоз далаларида бир текис униб мавж ураётган ғўзалар кузги улкан хирмондан дарак бермоқда. Областимизнинг илғор хўжаликлари ҳамма ишни бир-бири билан бирга боғлаб олиб бормоқдалар.

Ўрта Чирчиқ, Калинин, Оққўрғон ва бошқа районларнинг колхоз ва совхозларида тузилган агробиология советлари даладаги аҳволни ҳар тарафлама ўрганиб чиқдилар. Бу йил тупроқда нам кам тўпланган. Ёғингарчилик етарли эмас. Ана шундай шароитда қандай қилиб иш олиб бориш керак? Бу масала ҳар бир деҳқон ва мутахассиснинг оқилона иш олиб боришига, ҳар бир тадбирни ўз вақтида пухта ўтказишга мажбур этаётир. Ўрта Чирчиқ район пахтакорлари белгилаган тадбирлар бу жиҳатдан ғоят муҳим ва ибратлидир. Бу йил ўтган йилларга нисбатан чигит бирмунча олдин экилди. Шундай вазиятда бироз нафасни ростлаб олишимиз керак, кўчат ўзини тутиб олсин, бели бақувват бўлсин деган кайфият содир бўлса мўл ҳосилга катта путур етказиш мумкин. Шунинг учун ҳам ўртачирчиқликлар қатор ораларини кўндаланигига ишламоқдалар. Бунинг учун тажрибали механизаторлар ажратилган. Район пахтакорлари гектарларнинг тўлиқ бўлишига, кўчатларнинг бақувват ўсишига алоҳида эътибор беряптилар.

Калинин районидаги «Ленинизм» колхозида бўлиб ўтган мутахассиснларнинг маслаҳат кенгашида ҳам яхши фикрлар баён этилди.

— Маълумки, — дейди колхоз раиси ўртоқ Абдулла Ортиқов, — ҳозир кўпгина майдонларда табиий нам етишмай, чигитнинг униб чиқиши кечикаяпти. Айрим пахтакорлар ҳаводан ёмғир кутиб бамайлихотир юришибди. Йўқ, улар янглишади. Ҳозир вақтни ўтказмасдан тезда чигит суви бериш керак.

Бу район пахтакорлари ҳам ўртачирчиқликлар белгилаган яхши тадбирларни қўллаб-қувватладилар ва ғўзанинг дастлабки парваришини 10-12 кун ичида тамомлашга қарор қилдилар.


Областимизнинг кўпчилик хўжаликларида чигитни ундириб олиш, ўғитлаш, қатор ораларини ишлаш ва ёш ниҳолларни парвариш қилиш илғор тажрибалар ва агрономия маслаҳатлари асосида олиб борилмоқда. Оққўрғондаги «Ленинобод» колхозининг Бўрибой Алибоев бошлиқ звеноси ерларида ғўза ягана қилинмоқда. Звено механизаторлари қатор ораларни узунасига ва кўндалангига ишлаяптилар. Яхши парвариш қилинаётган кўчатлар мавж уриб ўсмоқда. Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли, «Северний маяк», «Коммунизм» колхозлари, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел», Калинин районидаги «Ленинизм», «Коммунизм», Янгийўл районидаги Охунбобоев номли, «Интернационал» колхозлари, шунингдек «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», ва 1-«Далварзин» совхозларида ҳам ғўза парвариши тезлаштириляпти.

Бу йил областимиз пахтакорлари она-Ватанга 315 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришлари керак. Бу юксак ва шарафли вазифа қишлоқ хўжалиги механизаторлари, партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг ғайрат ва ташаббусига ҳар бир ишни ўз вақтида ва юқори сифатли бажаришига, кўп жиҳатдан боғлиқдир. Афсуски, айрим районлар, колхоз ва совхозларда шу кечаю-кундузда қилинаётган ишлар талабга жавоб бермайди. Чигитни тезроқ ундириб олиш ва ғўза парваришини қисқа муддатларда ўтказиш, кўчатларнинг ҳамма ерда бут бўлиши учун барча тадбирлар кўрилмаяпти. Бекобод, Бўка ва Янгийўл районларининг баъзи колхоз ва совхозларида чигит униб чиқмаётган ерларни суғориш пайсалга солинмоқда. Бекободдаги Навоий номли колхозда бирон гектар ҳам текис ва тўлиқ эмас. Ана шу гектарларда хато ерларга қайта экиш, ғўзани тезроқ ривожлантириш чоралари кўрилмаяпти.

Шу кунлардаги ҳаракатимиз бундан сўнгги ишларимизнинг самарали ва баракали бўлишини кўп жиҳатдан таъминлайди. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари қишлоқ хўжалиги мутахассислари, пахтакорлар бутун куч ва эътиборни ҳамма ерда чигитни тезроқ бир текис ундириб олишга, ғўзанинг дастлабки парваришини қисқа муддатда юқори сифатли ўтказишга сафарбар этишлари лозим.

Колхоз ва совхозларда майдони мусобақасини қизитиб, қишлоқ хўжалиги механизаторларининг бутун куч ва ғайратини деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини кўпроқ етиштиришга сафарбар этайлик. Колхозчилар ва совхоз ишчиларига, механизаторларга маданий-маиший хизматни яхшилаш, уларнинг унумли ишлашлари ва яхши дам олишлари учун барча шароитларни яратиб бериш, оммавий-сиёсий тадбирларни юксак савияда олиб бориш қишлоқ партия ташкилотларининг шу кундардаги асосий вазифасидир.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорлари ҳар бир деҳқон қалбида янги жўшқинлик, ғайрат ва шижоат уйғотиб юборди. Партия ва ҳукуматимиз ғамхўрлигига жавобан қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини кўпроқ етиштириш учун курашайлик. Партиямиз Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқлари янги зафарларга руҳлантирсин.



Колхоз ва совхозларнинг механизаторлари! Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш учун курашингиз! Техникани яхши ўрганингиз, ундан унумли фойдаланингиз ва уни авайлаб сақлангиз!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

Ўртачирчиқликлар изидан

Биз участка бошлиғи Дўстан Зулфиқоровни ўртоқ Алихон Исмоилов звеноси даласида учратдик. Культивацияни кўздан кечириб юраркан, ишнинг сифатидан хурсанд бўлиб сўзларди у.

Бошлиқ участкада мўл ҳосил етиштириш йўлида қандай ишлар олиб борилаётганлиги тўғрисида ҳикоя қилиб берди.

260 гектар пахта майдони бор экан. Шундан 80 гектарига квадрат-уялаб уруғ ташланибди. Алихон Исмоилов ва Маннон Ғаффоров звеноларида чигит экиш бараварвақт тугалланибди.

— Бизнинг Маннон, — деди Дўстан ака, — 15 йилдан бери универсал рулини бурайди. Ишчан йигит. Чарчашни билмайди. Ўзи звенога бош бўлгандан кейин яна ғайрат қилаяпти. 70 гектар ерни кузда ўзи ҳайдади, баҳорда ўзи текислаб бороналади, чизеллади. Экишда ҳам универсалнинг рулига ўзи ўтирди.

Маннон Ғаффоров бошлиқ звено аъзолари гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириш учун бел боғлашган. Ана шу мақсадга эришиш учун улар кўплаб маҳаллий ўғит тўплаб ерни тўйдиришди. Суғориш шохобчаларини сув равон оқадиган қилишди. Уруғ ерга ташланаётган вақтда бир йўла минерал ўғит ҳам солиб кетилди. Ана шундай қилиб экин майдонларининг ҳаммасида чигит бир текис ундириб олинди. Дастлабки парвариш бошлаб юборилди.

Алихон Исмоилов бошлиқ звенода ҳам худди шундай. Астойдил меҳнат қилиб мўл ҳосил учун ҳозирдан пухта замин яратаётган бу звено деҳқонлари ҳам ўз мусобақадошларидан орқада қолмаяпти. Далаларда универсаллар ғўза қатор ораларини юмшатаяпти.

— Деҳқонларимиз — дейди Янгийўлдаги Киров номли колхознинг участка бошлиғи Дўстан ака, — ўртачирчиқликларнинг дастлабки парваришни узоғи билан 10—12 кун кунида тамомлаймиз. деб белгилаган тадбирларини маъқуллаб, ишни шу асосда ташкил этишмоқда.

М. ҒОЗИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Т. ЖЎРАБОЕВ.

ВАҚТ БЕКОРГА ЎТМАСИН

Бекободликлар КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларини зўр қизиқиш билан ўрганишмоқда. Деҳқонлар Пленум материаллари асосида ўз ишларини қайта қуришяпти. Қишлоқ хўжалиги экинларидан, чорвачиликдан янада кўпроқ маҳсулот етиштириш йўлларини излаб топишмоқда.

— Пленум қарорлари кучимизга куч қўшди, ғайратимизни оширибюборди.

Бу сўзларни лафзи ҳалол, меҳнатга меҳир ва муҳаббат қўйган ҳар бир кишидан эшитиш мумкин. Улар план ва мажбуриятларини айтиб беришади. Ҳосил ва даромаднинг қанча бўлишини қувониб гапиришади. Районимизда битта ҳам қолоқ хўжалик бўлмайди, дейишади.

Бекободликларнинг қувонганларича бор. Март Пленумидан кейин камқувват хўжаликларга иқтисодий ёрдам бериш янада яхшиланди. Энди колхоз давлатга сотиладиган маҳсулотларнинг харид қилиш нархлари анча оширилди. Биргина гўшт сотишнинг ўзидан район хўжаликлари шу йил ичида қўшимча равишда 211 минг сўм даромад киладилар. Давлатга топшириладиган сутнинг харид нархи оширилиши натижасида 24600 сўм фойда қўлга киради. Галла ва шоли сотишдан ҳам бекободликлар катта манфаатдор бўладилар. Пландаги галлани етиштириб бериш ва давлатга сотиш эвазига салкам 250 минг сўм қўшимча ҳақ олинади. Булар ҳаммаси эмас. Давлатимиз кам қувват колхозларга узоқ муддат билан берган қарзларининг янчагина қисмини кечиб юборди.

Дала механизаторлари партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрликларига амалий иш билан жавоб бериш учун ҳаракат қилмоқдалар. Район хўжаликлари чигит экишни ўтган йилдагига нисбатан анча барвақт ва уюшқоқлик билан тамомладилар. Чигит яхши ҳайдалиб, сифатли текисланган ерларга ташланди. Ҳозир экишни уюшқоқлик билан тамомлаган колхоз ва совхозларнинг бўлим ва звеноларида иш яна ҳам авжида. Чигитни бир текисда, хатосиз ундириб олишга ҳаракат қилиняпти. Тўла гектар учун курашилмоқда. Ленин номли колхоз деҳқонлари қилаётган ишлар, айниқса қувонарли. Ёш ғўзани сифатли парвариш қилиб, чигитни унмаган ерларга чигит суви бериш-япти. 30 га якин сувчи бу ишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда.

«Победа» колхози, 1-«Далварзин» совхози деҳқонлари ҳам самарали ишлаб, тўла гектарлар учун курашмоқдалар.

Лекин ҳамма ерда ҳам иш юқоридагидек деб бўлмайди. Бир мунча хўжаликларда дала ишлари талабга жавоб бермайди. Хўжаликларнинг раҳбарлари мавжуд ишчи кучларидан ва техникадан самарали фойдаланган ҳолда дала ишларини ташкил этишмаган. Оқибатда қилинищи лозим бўлган ишлар кечикгириб юборилмоқда. Айниқса чигитни ердан тезроқ ундириб олиш учун зарур чоралар кўрилмаяпти. Чигит текис униб чиққан ерлардаги ғўзаларни ягана қилишга киришилмаган. Униб чиқмаган ерларга чигит суви берилмаяпти. Навоий номли Колхоз раҳбарлари ёмғирни кутиб чигит суви беришга аҳамият қилишмаяпти. Бирон участкада тўла унган кўчатни кўрмайсиз. Баъзи карталарда уруғ энди ниш ураётган бўлса, баъзиларида эса ерда етарли нам бўлмаганлиги учун чигит тупроқ остида ҳаракатсиз ётибди.

Колхозда 1620 гектар ерга уруғ ташланганлигига анча бўлди. Аммо ҳалигача қадар экилган майдондаги чигитнинг ярми ҳам униб чиққани йўқ. Правлениенинг тузган графигига мувофиқ колхозда биринчи сув 15—20 майда тамомланиши керак. Бу ишни амалга ошириш учун кунига 100 сувчи ишлаши лозим. Лекин ҳозир далада ишлаётган сувчиларнинг сони 20 кишидан ошмайди.

— Графикда белгиланган сувчилар қачон ишлайди? — деб сўраймиз колхознинг бош агрономи ўртоқ Абдуманнон Холмуротовдан.

Аввал у ҳеч нарса демади. Анчагача хаёл суриб қолди. Кейин ноилож деди:

— Ҳозир сувчиларимиз ҳақиқатан ҳам кам. Май байрамигача сувчиларни 50 кишига етказмоқчимиз.

Бундан кўриниб турибдики, колхозда шу кеча-кундуздаги ишлар график асосида олиб борилмаяпти. Колхозда тракторларнинг иш унуми ҳам паст. Мавжуд тракторларнинг ҳаммасига ҳалигача қадар культиваторлар тиркалиб бўлинмаган.

«Чаноқ» совхозида, «Коммунизм», Дзержинский номли колхозларда ҳам чигит суви бериш, культиваторлардан фойдаланишда юқоридагидек камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Райондаги пахта ерларининг учдан бир қисмида чигит энди униб чиқди. Бу эса район раҳбарларини нима учундир ташвишлантирмаётир.

Бекободликлар пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун янада ғайрат кўрсатишлари керак. Мўл ҳосилга ҳозирдан пухта замин яратиш, бунинг учун ҳамма ерда чигитни тезда ундириб олиш, дастлабки парваришни ўз вақтида, сифатли ўтказиш, чигит суви бериш ҳар бир гектар ерда бўлуқ кўчат таъминлаш лозим. Бу эса зиммага олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилишида муҳим омиллардан бири бўлади.

М. ҒОЗИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

9 МАЙНИ ДАМ ОЛИШ КУНИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми ҚАРОР ҚИЛАДИ:

9 май куни — совет халқининг 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида ғалаба қозонган байрами куни — 9 май бундан буён дам олиш куни деб ҳисоблансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. МИКОЯН.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1965 йил 26 апрель.

Л. И. БРЕЖНЕВ ҲУАРИ БУМЕДЬЕННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев 27 апрелда Жазоир Халқ Демократик Республикасининг Москвада меҳмон бўлиб турган делегацияси бошлиғи, Миллий озодлик фронти партияси Сиёсий бюросининг аъзоси, Жазоир Халқ Демократик Республикаси Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари ва миллий мудофаа министри Ҳуари Бумедьенни қабул қилди.

Ҳуари Бумедьен Миллий озодлик фронти партиясининг бош секретари, Жазоир Халқ Демократик Республикаси президенти Аҳмад бин Белланинг мактубини Л. И. Брежневга топширди.

Учрашув пақтида Миллий озодлик фронти партияси Сиёсий бюросининг аъзоси Аҳмад Медеҳри, Миллий озодлик фронти партияси Марказий Комитетининг аъзоси, маориф министри Билқосим Шариф қатнашдилар.

Учрашувда совет томонидан авиация генерал-полковниги Н. П. Дагаев ҳозир бўлди.

Л. И. Брежнев ва Х. Бумедьен ўртоқлар суҳбатлашдилар. Бу суҳбат илиқ, дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

АФҒОНИСТОН БОШ МИНИСТРИ ДОКТОР МУҲАММАД ЮСУФ

Ўзбекистонга келиши муносабати билан

Дўст Афғонистон подшоҳ ҳукуматининг бошлиғи доктор Муҳаммад Юсуф бугун 28 апрелда Тошкентга келади.

Муҳаммад Юсуф 1914 йилда Кобулда туғилди. Кобулдаги «Нажот» лицейида ўқиди. Геттингеч университетининг (Германия) физика факультетини тамомлаб, докторлик дипломи олди. Шундан кейин, Кобул университетининг ўқитувчиси бўлиб ишлади.

1947 йилдан 1952 йилгача Афғонистон маориф министрлигида раҳбарлик ишида бўлди.

1953 йилдан 1963 йилгача кон ишлари ва саноат министри лавозимини эгаллаб турди.

Муҳаммад Юсуф — 1963 йилдан бери Афғонистон Бош Министри ва Ташқи ишлар министридир. Муҳаммад Юсуф Афғонистон экономикасини ривожлантириш ишига ва социал ислоҳотлар ўтказишга кўп куч-ғайрат сарфламоқда.

Афғонистоннинг ташқи сиёсати тинчлик, бетарафлик, ҳарбий блокларга қўшилмаслик сиёсати сифатида мустаҳкам белгиланиб олди. Афғонистон турли социал системадаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши учун курашмоқда.

Муҳаммад Юсуф бошлиқ Афғонистон подшо ҳукумати Совет Иттифоқи билан жуда яқин ҳамкорлик қилиш ва яхши қўшничилик муносабатларида бўлиш сиёсатини ўтказиб келмоқда. «Совет ва афғон халқлари — бир-бирларига қадрдон дўстдирлар, — деди Муҳаммад Юсуф ТАСС мухбирига. — Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар бир-бирини ҳурматлашга ва тўла ишончга асосланган муносабатларнинг намунасидир. Совет Иттифоқи биздан Афғонистон ўртасида ана шундай муносабатлар ҳукм суриб келди, ҳукм сурмоқда ва ҳамиша ҳукм сура беради.

Муҳаммад Юсуф Совет Иттифоқида бир неча марта бўлган. 1961 йил октябрь ойида у, иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимни имзолаш учун Афғонистон ҳукумат делегациясининг бошлиғи бўлиб Совет Иттифоқига келиб кетган. М. Юсуф мамлакатимизда бўлган вақтида Совет давлат арбоблари билан бир неча марта учрашган ва улар билан дўстона суҳбатлар ўтказган.

Муҳаммад Юсуфнинг мамлакатимизга қилган шу визити Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги традицион дўстликни мустаҳкамлашга янги ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги алоҳида хизматлари учун ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган республика қишлоқ хўжалиги, саноати ва маданияти ходимларидан катта бир группасига 26 апрелда тантанали вазиятда орден ва медаллар топширди.

Республика олимлари, врачлари ва олий ўқув юртлари ўқитувчиларидан бир группасига «Хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби» ва «Хизмат кўрсатган фан арбоби» унвонларини бериш тўғрисидаги ёрлиқлар топширилди.

Бир қанча санъат усталарига «Ўзбекистон ССР халқ артисти», «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» ва «Ўзбекистон ССРнинг хизмат кўрсатган санъат арбоби» унвонларини берганлик тўғрисидаги ёрлиқлар топширилди.

Ҳамза номидаги ўзбек академик драма театрининг артисти Наби Раҳимовга «СССР халқ артисти» унвонини бериш тўғрисидаги ёрлиқ топширилди.

Тошкент халқ хўжалиги институтининг кафедра мудири А. М. Аминов, Навоий номидаги ўзбек опера ва балет театрининг солисти Бернара Қориева ва бошқалар мукофотланганлар номидан сўзга чиқиб, партия ва ҳукуматга миннатдорчилик билдирдилар.

Ё. С. Насриддинова мукофотланганларни самимий қутлаб, ижодий ишларида уларга янги муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик ва ўз турмушларида бахт-саодат тилади. (ЎзТАГ).

ДАРОМАД СОЛИҒИ ОЛИШНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ

Колхозлар бундан қандай фойда кўрадилар?

СССР Олий Совети Президиумининг «Колхозлардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида» 1965 йил 10 апрелда чиқарган Фармонига мувофиқ 1966 йилнинг 1 январидан бошлаб колхозларга даромад солиғи солишнинг янги системаси жорий этилади.

Даромад солиғи олишнинг ҳозир мавжуд бўлган системаси 1958 йилнинг январь ойидан бошлаб жорий этилган эди. Бу система бирмунча камчиликларга эга. У хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юксалтиришга тўла имкон бермаяпти. Даромад солиқларининг ҳозирги тартиби бўйича махсус ҳисоблаб чиқилган солиқ даромади олинади. Бу тахминан ялпи даромадга тенг келади. Солиқ даромадига ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларнинг бир қисми ҳам, жумладан колхозчилар ва четдан жалб қилинган кишиларнинг механитга тўланадиган ҳақ, ҳали тугалланмаган ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар, шартли оклад ва ихтиёрий страхование тўловлари ва бошқа баъзибир харажатлар ҳам киритилади. Даромад солиқларини белгилашдаги бундай тартиб бўйича колхозлар ҳатто сарфланган харажатлар олинган даромадни қопламаган тақдирда ҳам даромад солиғи тўлардилар.

Бундан ташқари ҳозирги пайтда солиқ ўтган йилги даромад бўйича ҳисоблаб чиқилади, бюджетга эса шу йилги даромад ҳисобидан тўланади. Бу колхозларга ўша йиллар учун солиқ тўланиши пайтида молиявий қийинчиликлар туғдиради. Чунки ноқулай об-ҳаво шароитлари туфайли, масалан, дейлик, бу йилги даромад ўтган йилдагига нисбатан кам бўлиб қолиши мумкин.

Энди, 1966 йилнинг 1 январидан бошлаб колхознинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан, кўрсатилган хизматдан, ёрдамчи корхона ва касб-корликдан олган соф даромадидан ставка бўйича 12 процент миқдорида даромад солиғи олинади. Бунда соф даромад қисми рентабелликнинг 15 процентига тўғри келадиган бўлса, колхозлар даромад солиғи тўлашдан озод қилинади. Бу — шундай рентабелли колхозларга даромад солиғи солинмайди деган сўздир. Шундай бўлганда колхозлар соф даромадининг ҳаммасини жамоат хўжалигини кенгайтириш ва бошқа шунга ўхшаш эҳтиёжлар учун сарфлашлари мумкин. Рентабелликни 15 процентдан юқори бўлган колхозлар даромад солиғини юқорида кўрсатилган рентабелликдан ортиқ бўлган соф даромад ҳисобидан тўлайдилар.

Колхознинг соф даромади маҳсулот сотишдан, хизмат кўрсатишдан тушган ҳақ ва меҳнатга қаҳ тўлаш тартибида бериладиган маҳсулот қийматидан иборат сумма билан шу маҳсулотнинг ва кўрсатилган хизматнинг таннарҳи ўртасидаги айирма сифатида белгиланади.

Буни қуйидаги мисол билан тушунтириб берамиз. Масалан дейлик, колхоз 1.200 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулоти сотди. Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар эвазига 70 минг сўм пул олди. Колхозчилар ҳамда четдан жалб қилинган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тартибида 130 минг сўмлик маҳсулот ажратди. Бу маҳсулотнинг, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи 1 миллион сўмни ташкил этди. Шунда соф даромад 400 минг сўм (1.200+70+130—1.000) бўлади.

Хўжаликнинг рентабеллик даражаси олинган соф даромад суммасининг сотилган маҳсулот, кўрсатилган хизмат ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш тартибида бериладиган маҳсулот таннархига нисбатан белгиланади. Бизнинг юқорида келтирган мисолимиз бўйича колхознинг рентабеллик даражаси 40 процентни ташкил этади. $\left(\frac{(400\times100)}{1.000}\right)$

Юқорида айтганимиздек, даромаднинг 15 процент рентабелликка мувофиқ бўлган қисми чегириб ташланади. Шундай экан, биз мисолга олган колхознинг олинадиган солиққа кирган соф даромади 250 минг сўм миқдорида белгиланади. (400 минг сўм — 150 минг сўм, яъни бир миллион сўмлик таннархнинг 15 проценти).

Белгиланган ставка бўйича даромад солиғи солиқ солинадиган соф даромаднинг 12 проценти миқдорида олинади. Шундай экан, биз мисолга олган колхоз 250 минг сўмлик соф даромад ҳисобидан 30 минг сўм солиқ тўлайди.

Бундан ташқари, даромад солиғи солишнинг янги тартибига кўра ставка бўйича колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди солиқ солинмайдиган минимумдан ошиб кетса, ундан 8 процент миқдорида солиқ олинади. Ҳозир мавжуд бўлган тартиб бўйича эса меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ҳаммаси даромад солиғи тўлашга киритилар эди.

СССР Министрлар Советининг 1965 йил 10 апрелдаги қарорига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг солиқ солинмайдиган минимуми хўжаликда ишлайдиган ҳар бир колхозчининг ўртача ойлик маоши ҳисобга олинган ҳолда 60 сўм миқдорида белгиланади.

Масалан, агар колхозчилар меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг миқдори йил давомида 347,3 минг сўмни, колхозда ишлаган колхозчиларнинг ўртача йиллик сони 340 кишини ташкил этган бўлса меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг солиқ солинадиган қисми қуйидаги тартибда белгиланади: ўртача ойлик маоши 60 сўм бўлганида бир колхозчининг солиқ солинмайдиган меҳнатга ҳақ тўланадиган фонди бир йилда 720 (60×12) сўмни, 340 колхозчиники эса 244,8 минг (340×720) сўмни ташкил этади. Ҳақиқатда тўланган пул билан фондининг солиқ солинмайдиган қисми ўртасидаги фарқ 102,5 минг (347,3—244,8) сўм бўлади. Ана шу сумма даромад солиғи тўлашга киради. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ана шу қисмидан ставка бўйича 8 процент миқдорида 8,2 минг сўм (102,5 минг сўмнинг 8 процента) даромад солиғи олинади.

Шундай қилиб, биз мисолга олган колхоз солиғининг умумий суммаси 38,2 минг сўм қилиб белгиланади (соф даромаднинг 30 минг сўми+меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг солиққа кирган қисмидан 8,2 минг сўм). Шуни ҳам айтиш керакки, меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тегишли қисмидан ҳисоблаб чиқилган 8,2 минг сўм даромад солигини хўжалик колхозчилардан ушлаб қолмаган ҳолда ўзи тўлайди.

Даромад солиғи жорий йилда кўрилган даромадлардан олинади. Кейин колхозларнинг шу йил давомидаги фаолиятининг сўнгги якунларига қараб қайтадан яна ҳисоблаб чиқилади.

Йил давомида солиқ тўловлари тегишли квартал учун тузилган молия ҳисоботида кўрсатилган ялпи пул даромадларига қараб, ўтган йил учун ҳисобланган даромад солиғи суммасининг ўша йилда олинган ялпи пул даромадлари суммасига нисбати тариқасида белгиланган процент асосида ҳисобланади.

Масалан, дейлик, колхоз ўтган йили 1.500 минг сўм даромад қилган ва ўша йил учун 75 минг сўм миқдорида даромад солиғи тўлаш ҳисоблаб чиқилган. Шунда бу йилги даромад солиғининг квартал тўловларини ҳисоблаб чиқишда 5 процент олинади $\left(\frac{(75\times100)}{1.500}\right)$

Агар ялпи пул даромади 1 кварталда 320 минг сўмни, II кварталда 380 минг сўмни, III кварталда 600 минг сўмни ташкил этган бўлса, даромад солиғи I кварталда 16 минг сўм (тўлов муддати 25 апрелгача), II кварталда 19 минг сўм (тўлов муддати 25 июлгача), III кварталда 30 минг сўм (тўлов муддати 25 октябргача) бўлади.

Тўртинчи кварталдаги ялпи пул даромадларининг миқдори фақат колхознинг йиллик ҳисоботига қараб белгиланади. Келгуси йилга ўтадиган тўловларнинг миқдорини камайтириш мақсадида тўртинчи кварталда тўланадиган солиқ СССР Олий Совети Президиумининг Фармонида кўрсатилганига мувофиқ мазкур республикага тегишли бўлган процент бўйича III кварталдаги ялпи пул даромадларидан ҳисоблаб чиқилган солиқ суммасига қараб белгиланади. Биз юқорида келтирган мисолимизда колхоз тўртинчи квартал учун 1 декабргача 18 минг сўм пулни (учинчи кварталдаги даромадлардан ҳисоблаб чиқарилган 30 минг сўмлик солиқ суммасининг 60 процентини) ўтказиши керак.

Йил давомида олинган соф даромаддан, шунингдек колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг тегишли қисмидан олинадиган солиқнинг энг сўнгги суммаси колхозларнинг йиллик ҳисоботига қараб белгиланади. Колхознинг йиллик ҳисоботидан ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғининг суммаси билан йил давомида тўланган солиқнинг суммаси ўртасидаги фарқни колхозлар ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 мартигача тўлайдилар. Ортиқча тўланган сумма жорий йилнинг навбатдаги тўловига ўтказилади ёки бу суммани молия органи колхознинг талаби билан унга қайтариб беради.

Шундай қилиб, агар колхознинг йиллик ҳисоботи бўйича солиқ суммаси 90 минг сўм миқдорида белгиланган бўлса-ю, колхоз йил давомида 83 минг сўм (16+19++30+18) тўлаган бўлса, 1 мартгача қўшимча равишда яна 7 минг сўм (90—83) тўлаши керак.

Даромад солиқлари бевосита колхозларнинг ўзида ҳисоблаб чиқарилади. Солиқни ўз вақтида тўлаш мажбурияти ҳам колхознинг ўзига юклатилган.

Даромад солиғи олишнинг янги тартиби ҳозир мавжуд бўлган тартибга нисбатан мамлакатимиздаги барча колхозлар бўйича умуман олганда даромад солиқларининг миқдорини тахминан 500 миллион сўмга ёки икки бараварига қисқартириш имконини беради.

Даромад солиқларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг янги тартиби ўрнатилиши — КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларига мувофиқ колхозлар экономикасини юксалтириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан кўрилаётган энг муҳим ва ҳаётий тадбирларнинг биридир.

Ф. МАНОЙЛО,
СССР молия министрининг ўринбосари.

(«Сельская жизнь» газетасидан).

ВАГОНЛАР ОБОРОТИНИ ТЕЗЛАШТИРАМИЗ



Мирҳайдар Азимов Тошкентдаги пайпоқ-трикотаж фабрикасининг пешқадам мастерларидан ҳисобланади. У ана шу корхонада деярлик чорак асрдан бери ишлаб, жуда катта тажриба орттирган. У раҳбарлик қилаётган смена топшириқларини муттасил ортиғи билан адо этмоқда. Суратда: мастер Мирҳайдар Азимов иш устида.

А. Тўраев фотоси.

Бўлинмамиз коллективи етти йилликнинг сўнгги йилини муваффақиятли якунлаш учун қизғин кураш олиб бормоқда. Биз юк ташиш, ортиш ва тушириш ишлари ҳажмини кўпайтириш, харажатларни камайтириш, транспортчиларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан зиммамизга олган юксак мажбуриятларимизни шараф билан бажармоқдамиз. Айниқса, КПСС Марказий Комитети март Пленумининг тарихий қарорлари темирйўлчиларимиз куч-ғайратини янада оширибюборди. Улар барча юкларни, айниқса қишлоқ хўжалик юклари — машиналар, минерал ўғитлар, турли-туман механизмлар, запас қисмларни белгиланган манзилларга тез ва соз етказиб бериш иштиёқида тиним билишмаяпти.

Бу ажойиб натижалар бераётир. Юк вагонлари оборотини тезлаштириш, уларнинг бекор туриб қолиш вақтини камайтиришдаги кўрсаткичларимиз чакки бўлмаяпти. Шу йилнинг биринчи кварталига белгиланган юк обороти топшириғини муддатидан илгари 25 мартда 112 процент қилиб адо этдик. Бу катта ютуққа барча касбдаги темирйўлчилар, айниқса, тепловоз машинистлари салмоқли ҳисса қўшишди.

Ишлаб чиқаришнинг бошқа кўрсаткичлари ҳам анча яхши якунланди. Кўмир ташиш плани 102 процент, минерал ўғитлар ташиш плани эса 106 процент қилиб адо этилди. Шунингдек нон ва нефть маҳсулотлари ташиш квартал топшириғи ҳам муддатидан илгари дўндирилди.

Тошкент тепловоз депоси локомотивчилари квартал мобайнида 3203 та оғир юкли поездларни бошқаришди. Бу поездлардан ҳаммаси бўлиб 1 миллион 394 минг тонна халқ хўжалик юклари ташилди. Ана шунча юкни ташиш учун эса 687 та состав керак бўларди.

Машинистларнинг кўпчилиги вагонлар оборотини тезлаштириш ва пландагидан ташқари юк ташишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Тажрибали машинист ўртоқ С. Шоқодиров ўзи бошқарган оғир юкли поездлардан пландагидан ташқари 6400, Т. Валиаҳмедов 7900, Г. Погорелов 7500 тонна юк ташидилар. 5-коммунистик меҳнат стрелка пости коллективи жуда яхши ишлади, поездларнинг кечикмай йўлга чиқишини таъминлашга барча имкониятларини ишга солди. Бўлинмамизнинг ишбилармон диспетчерлари номини тилга олмаслик мумкин эмас. А. Усмонов, Б. Тян, С. Муҳамедов ва бошқа қатор диспетчерларимиз илғор иш методларини кенг қўллаб, поездларнинг ҳар бир участкада белгиланган қатъий график асосида ҳаракат қилишини таъминламоқдалар. Поездлар тузувчи У. Раҳимов, йўллар бўйича навбатчи Р. Рўзнев, станция навбатчиси М. Миркаримов ва бошқа ўнлаб ишчилар инженер-техник ходим ва хизматчиларимиз халқ хўжалиги юкларининг тез ва соз ташилишига, белгиланган манзилларга ўз вақтида етиб боришини таъминлашга баракали ёрдам бердилар.

Кейинги вақтларда вагонлар оборотини тезлаштириш ва ҳар бир вагонга нормада белгиланганига қараганда кўпроқ юк жойлаш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилди. Бунда албатта техника шартларига риоя қилинмоқда. Вагонларга юк анча зич жойлаштириладиган бўлди. Натижада биринчи кварталда 10 минг вагон тежаб қолинди. Бу билан эса қўшимча беш минг сўмлик фойда олинди.

Транспорт ходимлари! Транспортни замонавий техника воситалари билан таъминлангиз! Юкларни элтиб бериш муддатларини қисқартирингиз, юк ташиш таннархини камайтирингиз, пассажирларга яхшироқ хизмат кўрсатингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

Юк ортиш-тушириш ишларини механизациялаш бўйича топшириқ анча ортиғи билан адо этилди. Контейнерларда нормадагидан ташқари минглаб тонна юк ташилди. Тошкент товар, Қизил Тўқимачи, Янгийўл, Чирчиқ, Оҳангарон станцияларида юкларни вагонларга ўз вақтида ортиб олишга ҳаракат қилинмоқда. Ҳозир станцияга ўз юкини олиб кетиш учун заявка берса бас. Унинг уйига дарҳол контейнерлар ортилган автомашина ва станция ходимлари келишади. Юкларни ўзлари жойлашади, сўнгра вокзалга элтиб беришади. Юк жўнатувчи вокзалга келмаса ҳам бўлади, юклари белгиланган адрес бўйича жўнатиб юборилади.

Бўлинмамиз коллективи вагонлар оборотини тезлаштириш ва халқ хўжалик ҳамда меҳнаткашлар юкларини ташишни такомиллаштириш имконини берадиган ана шундай резервлардан кенг фойдаланмоқдалар. Лекин бу билан ҳамма иш жойида экан, деган хулосага келиш мумкин, эмас, албатта. Ҳали фаолиятимизда катта нуқсонлар ҳам бор. Темирйўлчиларимиз ана шу нуқсонларни бундан буён бартараф этиб борадилар.

Лекин бизга боғлиқ бўлмаган айрим камчиликлар ҳам борки, улар ишимизга тўғаноқ бўлмоқда. Бу ерда гап хизматимиздан фойдаланаётган корхоналар, қурилиш ташкилотлари ва муассасалар ҳақида бормоқда. Уларнинг айримлари вагонлар оборотини тезлаштиришга ҳалақит бермоқда. Вагонларда адресларига келган юкларни ўз вақтида тушириб олишмайди.

Шу йилнинг биринчи кварталида юкларни белгиланган муддатда вагонлардан тушириб олмаганлиги учун 73 ташкилот, корхона раҳбарлари темир йўлга штраф тўлади. Нормага мувофиқ ҳар бир вагоннинг юки узоғи билан бирнеча соат ичида тушириб олиниши лозим. Амалда эса бундай бўлмаётир. Вагонлар 10-20 соатлаб ҳатто суткалаб бекор туриб қолмоқда. Тошкент уйсозлик комбинатида ҳар бир вагоннинг юки нормадаги 6,5 соат ўрнига 20 соатда тушириб олинмоқда.

3-қурилиш трести, 2-йиғма темир-бетон буюмлари заводи раҳбарлари ҳам бу соҳада уйсозлик комбинати раҳбарларидан қолишмаяпти. Уларнинг базаларига борадиган тармоқ темир йўл йўқ. Ўз юкларини уйсозлик комбинатининг тармоқ йўлларида тушириб олишади. Шунинг учун ҳам бу уч ташкилот жарималарни ўзаро бўлишиб, тўлашади. Улар ўтган йили 127 минг 167 сўм жарима тўлашган эди. Шу йилнинг февраль ойидагина улардан олинган жарима 6 минг 609 сўмни ташкил этди. Бу корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари вагонларда келтирилган юкларни ўз вақтида тушириб олиш ҳақида қилинган барча талабларимизни инобатга олишмаяпти. Бекор туриб қолган вагонлар учун жарима олишнинг давлатга ҳеч қандай нафи тегмайди. Унинг турган-битгани зарардир. Чунки муҳим халқ хўжалик юкларини белгиланган манзилларга ўз вақтида етказиб бериш мумкин бўлмайди. Вагон кутиб станцияларда ётган юкларнинг айримлари яроқсиз ҳолга келиши мумкин.

Худди шундай аҳволни Шумилов станциясидаги кўмир омбори, «Узмясоторг»нинг Оҳангарон базаси, Оҳангарондаги 4-йиғма темир-бетон заводи, Тошкентдаги бош кийимлар фабрикаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Шумилов станциясидаги кўмир омборига келтирилган ҳар бир вагондаги ёқилғи 1,7 соат ўрнига 10,5 соат, 4-йиғма темир-бетон буюмлари заводида юк нормадаги 4,6 соат ўрнига 18,2 соатда тушириб олинмоқда. Шунинг эвазига заводдан февраль ойида 1916 сўм жарима олинди. Кўмир омбори тўлаган жарима 604 сўмни ташкил этди. Тошкентдаги бош кийимлар фабрикаси адресига келган бир вагон юк бир неча соат ўрнига 6 суткадан кейин тушириб олинган. Бунинг учун фабрика раҳбарлари 353 сўм жарима тўлашди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шуниси ачинарлики, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари юк тушириб олишни тезлаштириш ўрнига турли хил бўлмағур, асоссиз баҳоналарни рўкач қилишади. Вагонларнинг кўплаб бекор туриб қолишига «объектив» сабабларни қидиришади. Бундан буён ўзибўларчилик, хўжасизликка хотима бериш керак. Вагонлар оборотини тезлаштириш билан давлатга катта фойда келтириш, муҳим халқ хўжалиги юкларини ўз вақтида ташиш ва кўплаб маблағ тежаб қолиш мумкинлигини ҳар доим ёдда тутиш керак.

З. ОЛИМЖОНОВ,
Тошкент темир йўл бўлинмаси юк бўлимининг бошлиғи.

ХАТЛАРГА ОБЗОР

МУРАББИЙЛАР

Ўқув-тарбия ишларини юксак талаблар даражасига кўтариш совет мактабининг асосий вазифасидир. Бу оғир ва масъулиятли ишни муваффақиятли бажаришда педагогларнинг кўп нарса талаб этилади. Ёш авлодга таълим-тарбия беришда намуна кўрсатаётган моҳир мураббиларнинг ҳаммамиз ҳурмат қозонмоқда.

— Моҳир ўқитувчи Анорбой ака Ҳайдаровни Калинин районидаги «Назарбек» совхозидагилар яхши билишади, — деб ёзади газетхон **А. Каттаев,** — Унинг қўлида ўнлаб ёшлар таълим олди. Ҳозир уларнинг кўпи она-Ватанимизнинг турли бурчакларида фидокорона меҳнат қилишяпти. Ўртоқ А. Ҳайдаров 51-мактабда 16 йилдан бери ўқувчиларга меҳнат фанидан дарс бериб келаётир. У ёш педагогларнинг яқин маслаҳатчиси ҳамдир.

Ҳаваскор мухбир **У. Сулаймонов** Оржоникидзе районидаги 98-мактабнинг ишчан ўқитувчиси М. Ўрмоновнинг меҳнат фаолияти ҳақида ҳикоя қилади. Ўртоқ М. Ўрмонов педагогик коллективнинг фахри бўлиб қолди. У ўзи дарс бераётган синфда доим тўла ўзлаштиришга эришмоқда.

Мана бу ҳат шогирдлик меҳри билан тўлиб-тошиб ёзилган. Газетхон **Б. Раҳмонов** кекса ўқитувчи Мирзарайим ака Каримовнинг ўз касбининг моҳир устаси эканлигини фахрланиш ҳисси билан баён этади.

Ўқитувчи ўртоқ М. Каримов чорак асрдан бери ёш авлодга таълим-тарбия бериб келяпти. У ҳозир 2-«Оҳангарон» совхозида жойлашган 10-мактабда ишлайди. Унинг жонкуярлигидан ҳамма хурсанд.

— Бошланғич синфларда дарс бериш ўқитувчидан, айниқса, катта чидам ва маҳорат талаб этади, — деб ҳикоя қилади газетхон **Ғ. Турсунхўжаев,** — Янгийўл районидаги Бобир номли мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиларидан бири Ш. Каримовадир. Ёш педагог ўз устида тинмай ишлайди, машғулотларни мазмунли ва жонли олиб боришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам у дарс бераётган синфда ўзлаштириш кўнгилдагидек бўляпти.

Янгийўл районидаги 61-мактабда ҳам жонкуяр педагоглар кўп. Ана шу меҳри бўлоқ ўқитувчилар ота-оналар ҳурматини қозонишган. Шу сабабли бир группа ота-оналар редакцияга хат ёзиб, уларнинг жонкуярлигини конкрет мисоллар билан баён қилишган.

Редакция **Э. Довутбеков, У. Қўрғонов, Я. Алимов, Ф. Ниёзов, К. Қўшоқов** ва бошқа газетхонлардан ҳам хатлар олди. Улардан Юқори Чирчиқ районидаги 31, Оржоникидзе районидаги 16, Калинин районидаги 2, Ўрта Чирчиқ районидаги Ушинский номли, Тошкентдаги 38-мактабларда йиллик имтиҳонларга катта тайёргарлик кўрилаётганлиги хабар қилинган.

Ҳа, меҳрибон педагоглар тўғрисида қанча ёзса оз. Улар билан ҳамма фахрланади.

ДАВР ТАЛАБИ ШУ

Эстрада театри биносига тўпланган хотин-қизлар орасида олималарни, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, меҳнат қилаётган пахтакорни, эл соғлиги — юрт бойлиги деб қайғураётган шифокорларни, ғаллакор-у, чорвадорларни, хуллас ҳар бир касб эгасини учратамиз. Улар бу ерга Ўзбекистон КП Марказий Комитети XIII пленуми қарорларини бажариш соҳасида қилаётган ишлари, хотин-қизлар Советларининг навбатдаги вазифалари ҳақида маслаҳатлашиб олиш учун тўпланганлар.

Зотан, халқ хўжалигини юксалтиришга хотин-қизлар қўшаётган ҳисса озмунчами! Биз эришаётган ҳар бир ютуқда уларнинг баракали меҳнати, ақл ва идроки, заковати сезилиб турибди. Хотин-қизлар коммунизмнинг актив қурувчилари. Улар партия ва ҳукуматимиз белгилаган тадбирларни ҳаётга тадбиқ қилишда эркаклар билан бир сафда туриб ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Хотин-қизлар коммунистик мўл-кўлчиликни вужудга келтириш йўлида ўз куч ва ғайратларини аямасдан меҳнат қилмоқдалар. Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг механик-ҳайдовчиси Н. Ҳайдарова, шу райондаги Терешкова номли колхознинг раиси Умри Ҳасанова, Юқори Чирчиқдаги «Политотдел» колхозининг уста пахтакори Ҳ. Дебердиева сингари ўртоқларнинг номини кенгаш қатнашчилари ҳурмат билан тилга олдилар.

Хотин-қизлар Советининг олиб бораётган ишлари, уларнинг халқимизнинг маданий-маиший турмушини янада яхшилаш соҳасида ташаббус ва ғайратлари тўғрисида кенгашда кўплаб мисоллар келтирилди.

Ўтган ҳисобот даврида, айниқса, Янгийўл, Оққўрғон, Юқори Чирчиқ районлари ва Олмалиқ шаҳридаги хотин-қизлар Советлари яхши ишладилар. Уларнинг янгиликни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, эскилик сарқитларига барҳам бериш, хотин-қизларнинг активлигини ошириш соҳасидаги ишларидан ҳар қанча ўрнак олса арзийди. Бу жиҳатдан Юқори Чирчиқ районидаги «Коммуна» колхози хотин-қизлар Советининг иши мақтовга сазовордир. Хотин-қизлар Советининг қунт билан амалга оширган тадбирлари яхши натижалар бермоқда. Илғарилари бирон колхозчи тўй ўтказиш учун уч-тўрт йиллаб топган даромадини сарф қилиб юборарди.

— Бундай исрофгарчиликнинг нима кераги бор, — деб масалани кўндаланг қўйди хотин-қизлар Совети, — ҳозир юртимизда тўқчилик, фаровонлик. Тўйда тўй қилувчининг энг яқин қариндош-уруғлари, қўни-қўшниси қатнашса кифоя.

Лекин ҳамма жойда ҳам хотин-қизлар Совети ана шундай ташаббус кўрсатиб ишлаяпти деб бўлмайди. Қоғозда бор-у, амалда ҳеч бир иш қилмаётган Советлар йўқ эмас. Улар одатда йилда бир марта, у ҳам бўлса Март байрами келганда хотин-қизларни эсга олишади.

Мамлакатимизда коммунизмнинг моддий техника базасини қуриш учун қураш кундан-кунга авж олдирилаётган ҳозирги пайтда хотин-қизлар Советининг ролини ҳар тарафлама кучайтириш керак. Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлиги туфайли колхоз ва совхозларда дала меҳнаткашларининг маданий-маиший турмушини ҳар тарафлама яхшилаш юзасидан анчагина ишлар қилинмоқда. Лекин очиқ айтиш керакки, баъзи хўжаликлар бу имкониятлардан тўла фойдаланмаётирлар. Улар айниқса, уй рўзғор ишлари билан шуғулланувчи хотин-қизларнинг меҳнатини енгиллаштириш, уларнинг жамоат ишларида қатнашиб, ўзларининг талантлари, ташаббусларини намойиш қилиш учун шароит яратиб бермаётирлар. Тўғри, кўп жойларда маиший комбинатлар бор. Аммо улар хотин-қизларимизнинг ўсиб бораётган эҳтиёжини тўла қондиримаяпти. Оққўрғон, Бекобод районларининг раҳбарлари, бу гаплар, айниқса, сизларга тааллуқлидир!

Хотин-қизларнинг область кенгашидан

Болалик аёлларнинг унумли меҳнат қилишларини таъминлашда боғчалар ва ясли-лларнинг роли ниҳоятда катта. Областимизда ҳаммаси бўлиб 117 минг боғча бор. Бироқ шуни айтиш керакки, болалар муассасаси мавсумий бўлиб қолмоқда. Нега бу муассасаларни йил давомида ишлайдиган қилиш мумкин эмас? Бунда ҳам хотин-қизлар Советларининг ёрдами, ташаббуси керак. Ҳар бир район марказида болалар сут кухняси бўлса қандай яхши!

Хотин-қизлар орасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришда ҳар хил усуллардан фойдаланиш керак. Айниқса маданият, уй хўжалиги билан шуғулланиш, маданий-маиший университетлар фаолиятини кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Оилавий кечаларни тез-тез уюштириш зарур. Ана шундай кечаларда ўтказиладиган лекция ва суҳбатлар маҳаллий шароитдан олинган мисоллар билан бойитилса кўп фойда келтиради. Қишлоқ кутубхоналари, клублар, очиғини айтиш керакки, кўпинча ҳувиллаб ётади. Энди бундай камчиликларга барҳам бериш пайти келиб етди.

Кенгашда доклад қилган область ижроия комитети раисининг ўринбосари А. И. Бродова хотин-қизлар Советининг навбатдаги вазифалари, КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини амалга оширишда уларнинг роли ҳақида батафсил тўхталди.

Докладдан сўнг кенгашнинг маданий-маиший, соғлиқни сақлаш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш, оила ва мактаб, турар жойда иш олиб бориш секцияларининг иши бошланди. Секция қатнашчилари Тошкентдаги Охунбобоев номли шаҳар маданият уйи ва «Лола» ателъеси, 6-болалар поликлиникаси, тўқимачилик комбинати, 119-мактаб ҳамда «Янги шаҳар» ва «Илғор» маҳаллаларида бўлиб, у ерда хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган ишлар билан, маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш соҳасида қандай тадбирлар кўрилаётганлиги билан танишдилар.

Охунбобоев номидаги маданият уйининг фаолияти кенгаш қатнашчиларида, айниқса, катта таассурот қолдирди. Маданият уйида хилма-хил тўгараклар ишлаб турибди, бичиш-тикиш тўгараклари сўнгги 3 йилдарда 14 таси бор. Энг қувончлиси шундаки, бу тўгарак машғулотларига маҳаллалардаги уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи аёллар кенг жалб этилган.

Ана шундай тўгаракларни колхоз ва совхозларда ҳам кенг кўламда ташкил қилиш керак.

— «Янги шаҳар» ва «Илғор» маҳаллаларида биз жамоатчилик асосида қурилган клуб ва чойхоналарни, жамоатчилик асосида ишлайдиган медпунктларни кўриб гоят хурсанд бўлдик, — деди Оржоникидзе район партия комитетининг секретари ўртоқ Ш. Ганиева, — айниқса «Илғор» маҳалласи хотин-қизлар Советининг иши бизда катта таассурот қолдирди.

Биз ўз районимиздаги колхоз ва совхозларда ҳам ана шу сингари ишларни амалга ошириш усулларини ўйлаб кўришимиз керак.

Хотин-қизлар область кенгаши ана шундай ишчанлик вазиятида ўтди: ҳар бир секциянинг раҳбарлари кўрган-билганларини кечка томон яна Эстрада биносига йиғилган хотин-қизларга гапириб бердилар. Бундан кейин нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида маслаҳатлашиб олдилар.

Кенгашда область партия комитетининг секретари ўртоқ Х. Р. Мусахонова қатнашди.

Кенгаш хотин-қизлар Советининг ролини янада кучайтиришга қаратилган қарор қабул қилди.

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА

СУВОРОВ НАТИСКИ

«Суворов натиски» — иккинчи Украина фронти сиёсий бўлим бошқармасининг органидир. Ўзбек тилида чиққан бу фронт газетаси 1943 йилдан 1945 йил июнь ойига қадар нашр этилди. Ҳаммаси бўлиб унинг 300 дан ортиқ сони чиқди.

Бу газетани ташкил этиш сиёсий бошқарманинг рус бўлмаган жангчилар орасида агитаторлик лавозимида ишлаб турган майор Исмоил Олимовга топширилди. У катта машаққат ва қийинчиликларни енгиб фронт газетасининг редакция ва босмахона составини тузишга муваффақ бўлди. Фронт газетаси составида старшина Қорахонов, майор Босит Эшонхўжаев, старший лейтенант Ваҳобжон Қодиров, старший сержант Иномжон Акбаров, капитан Камолов, майор Муҳаммаджон Муродов, капитан Алҳам Исҳоқов, старшина Т. Эрназаров ва бошқалар турли лавозимларда ишлаган.

Газета ўз атрофига ўзбек жангчи ва офицерларидан бир гуруҳ ҳарбий мухбирларни тўплаб, улар билан доимий иш олиб борди. Бу актив мухбирлар орасида Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Ўринбек Ёқубов, Файзулла Йўлдошев, Абдусаттор Раҳимов, фронтчи шоирлардан Маъруф Қорнев, старший лейтенант Юлдуз (Раҳимзода), Журъатий (Ёқуб Эминов) ва бошқалар бор. Улар ўзларининг эпизодлари ва шеърлари билан газетада актив қатнашиб келадилар.

Биз қуйида ҳозирги пайтда пойтахтимиз ва областимизда истиқомат қилиб турган жанговар кишилар ҳақидаги шу газетада босилган айрим материаллардан парчалар босдик.

ОФИЦЕР КАРИМОВ

Яна тоғлар акс-садо берди... Олдинги позицияга яқин бир жойда ўрнатилган душман миномёти ўт очабошлади. Ҳавони яшин тезлигида иккига ёриб, қўнғироғини чалиб, кучли ҳайқириқ билан яқинлашаётган «осмон пожарниги» — мина шу атрофда ўт очилишидан даран беради. Бунга одатланиб қолган жангчилар совуққонлик билан траншея ичига ётиб олдилар. Ер тортиш кучи кучайган сари, мина товуши ҳам шунча зўраяр, гўё бу товуш ер остидан келаётганга ўхшаб, вулқон отилгандек бўлиб кетди... Ер титради...

Ёғилаётган тупроқ остида қолган офицер Ғулом Каримов не-не ҳаёлларга бормагандир дейсиз. Шу дақиқада унинг кўз олдида она юрти — Ўзбекистон... Узумзор боғлар, олмазор, ҳиёбонлар, поёнсиз оқ олтин далалари, Фарғона водийси... Чимён тоғларидан оқаётган тиниқ сувлар... Қандай гўзал ҳаёт! Кимнинг шу ҳаёт билан умрбод яшагиси келмайди. Шунинг учун ҳам кишига жон ширин кўринади. Бу жон кишининг шахси учун ширин эмас. Бу жон ҳаёт учун яратилган. Жон ширинлиги ҳаётда... Шунинг учун унинг кўзига жонидан ҳам бурун ўша туғилиб ўсган муҳит — ҳаёт, гурпаклашиб катта бўлган боғ кўчалари, ойдин кечалар, қадрдон остонаси келиб гавдаланди.

Унинг жонажон Ватани шу остонадан бошланади.

У, Совет Ўзбекистонини Руминия ерида: Карпат тоғларининг этакларида, Суворовнинг табаррук қадами босган жойларда ҳимоя қилмоқда.

Орқага қўйган ҳар бир қадам Ватандан узоқлашиш, ғалабадан — уйдан узоқлашиш демак! У, буни яхши билади.

Аччиқ порох ҳидли тутун тарқалганда, у, немисларнинг траншеяга яқинлашаётганлигини кўрди.

«Бир қадам ҳам орқага чекиниш йўқ! Охирги патрон ва томчи қон қолгунча!..» У пулемётчиларни огоҳлантириб қўйди.

Унинг взводидаги бир пулемёт расчёти яралар бўлиб сафдан чиққан эди. Офицер Каримов пулемёт ёнига ётиб олиб, лентани янгилади, душманни жуда яқин келтириб туриб, команда берди:

— Ўт очилсин!

Гвардиячиларнинг бирдамлик билан очган ўти қалин олов деворини ташкил қилган эдики, бу девор қаршисида қулаётган душман гавдаларидан иккинчи «пахса девор» пайдо бўлганига кўп фурсат ўтмади.

Офицер Ғулом Каримов ўз ўтини душман истеҳкоми амбразурасига йўналтириб, уни жим бўлишга мажбур этди. Унинг отган ўқлари фрицларни ўт ургандек йиқитаверди.

Ўқлар тамом бўлди. У, автоматини қўлга олиб, олга ташланди:

— Душманга қарши олға! Ватан учун!

Рота унинг кетидан ҳужумга кўтарилди. «Урра» товушлари ичида унинг овози эшитилмай кетди.

Ғулом Каримов дуч келган фашист итларини автоматдан қираберди. Гранаталар отиб, душман траншеясига йўл очаборди.

Траншеядан қочиб улгуролмаган фрицлар билан қўл жанги бошланди. Ўнлаб немислар гвардиячиларимизнинг найзаларидан ҳалок бўлдилар.

Юқоридан шу мазмунда буйруқ келди: қўлга киритилган рубежни янги кучлар келгунча, берилмасин!

Ҳали, саратон қуёшининг қизиғи билан исиган ҳаво порох ҳидларн билан думоқларга урилади. Ҳали, жангчилар энгидаги нафасларини ростлаб олган бўлсалар ҳам кучли ҳаракатдан қора терга тушиб кетган таналарининг чарчови ёзилгани йўқ. Ҳали, энгидаги тутатилган маҳорка тутинлари буралиб-буралиб окопларлан чиқар эди. Яна қаяжонли команди эшитилди:

— Жангга ҳозирланинглиг!

Траншея ичида яна жонланиш, безовталик бошланди. Ҳамма ўз жойига қараб чопабошлади.

Немислар кўп талафотлар билан қўлдан кетган рубежни яна қайтариб олиш учун қарши атакага ўтдилар. Сон жиҳатдан улар кўпчилик эди.

— Ўлиш бор, лекин душманни ўтказиш йўқ!

Душман томонидан ёғилаётган ўқлар окоплар устидан ғиз-ғиз учиб ўтар, бош кўтаришга қўймас эди.

Гашеткалар босилди. Офицер Каримов душман ўти остида лента кетидан лента бўшата бошлади. У, тўхтовсиз ўт очишда давом этар экан, қулаётган душман солдат ва офицерларини кўриб, завқланиб қичқирар эди:

— Ур аблаҳларни! Хоҳлаганча ур!

Душман кўп талафотлар бериб, чекинишга мажбур бўлди. Шу билан иккинчи атака қайтарилди. Дам ўтмай қилинган бошқа 10 атака ҳам, ҳар гал шу тариқада душманга қақшатғич зарбалар билан қайтарилиб, кутирган фашист гвардиячиларини улоқтириб ташланаберди.

Рубеж қўлдан берилмади. Офицер Ғулом Каримов жангчилари қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар. Булар шонли гвардиячилар эди. Улуғ Ватан ўғилларига шон-шарафлар бўлсин!

* * *

Ленин партияси руҳида тарбияланган гвардия офицери Ғулом Каримовнинг бу маҳоратига Москва юксак баҳо бериб, уни Ленин ордени билан тақдирлади.

Т. ЭРНАЗАР,

1944 йил 8 сентябрь.

СТАРШИЙ сержант Иноят Каримов уруш бошланмасидан олдин Тошкент областининг қадрдон далаларида ишлар эди. Фронт йўллари олис-олисларга етаклаб келди уни. Меҳнатда жасорат кўрсатган йигит фронтда ҳам мардлик кўрсатди. У 57 немис солдат ва офицерларини қириб ташлади. Шонли жангчи И. Каримов Қизил Юлдуз ва III даражали Шараф орденлари билан тақдирланган.

Рассом Н. ЛИС.

1944 йил, 15 октябрь.

ҲАМҚИШЛОҚЛАРИМИЗГА САЛОМ

Қадрдон жангчилар, узоқдаги дўстларимиз ва ҳимоячиларимиз!

Бригадамиз қизлари ёзишга арзийдиган иш қилмоқдалар. Сиз тўла ва узил-кесил ғалаба кунини яқинлаштириш учун мардона курашаётган бўлсангиз, биз сизга ёрдамлашиш учун бор кучимизни сарф қилмоқдамиз.

Бизнинг бригадамиз корхонанинг каттакон механика цехида ишлайди. Бригада ҳар ойда топшириқни 150 — 160 процент бажаради. Бизнинг ҳар биримиз кўпроқ ва яхшироқ ишлашга интиламиз.

Сиз манфур душманни тезроқ йўқ қилингиз ва яшнаётган қуёшли Ўзбекистонга ғалаба билан қайтиб келингиз. Биз ғалаба соати яқин эканини биламиз.

Мардона қўлларингизни маҳкам сиқиб:


Турди ҲАФИЗОВА,
Кутби ТУЛАГАНОВА,
Сабохон ИСҲОҚОВА,
Зайнаб ҚУРБОНОВА,
Раҳима ИСҲОҚОВА.

1945 йил 15 февраль.

СИЗ суратда кўриб турган уч баҳодир — Пихачев, Миземboев ва Шпиневлар фашист босқинчиларини тор-мор этишда алоҳида хизмат кўрсатмоқдалар. Будапештни забт этиш учун бўлган шиддатли жангларда уларнинг тўп расчёти душман истеҳкомларини яксон қилиб ташлади. Уч баҳодирнинг ҳаммаси қўмондонлик томонидан «Жасурлик учун» медали билан мукофотланган.

В. КИСЕЛЕВ фотоси.

1945 йил 7 февраль.



ГЕНЕРАЛ МУКОФОТИ

Совуқ ҳаводан палатага «лейка»ли одам кирди. Михаил Петрович Слесарев бу одам унинг расмини олиш учун келганлигини дарҳол пайқади. Кеча генерал уни Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаган, ҳозир эса, расмини олишмоқчи. Слесарев тирсаги билан сал ўрнидан тургач, яна ўтирди ва юмолоқ ойнага қарагандан сўнг, шошилмасдан мўйловини бурай бошлади.

— Хўш, — Слесарев ойнадан кўзини узмай ўз ҳикоясида давом этди. Ўн мина отдим, бирдан портлаш... тутун, чанг. Вой шайтоннинг болаларие, мина билан плитага урсалар бўладими. Наводчик ўлди. Кимдир устимдан қайноқ сув қуйгандек бўлди. Йўлда кетаяпманку, қулоғим шанғилар, юзим ёнар,кўзларим тинар эди. Старшинага дуч келдим.

— Хўш, қалай?

— Нима қалай?

— Оғир яралар бўлдингми?

— Ҳеч-да, ўртоқ старшина, ярам унчалик эмас.

Слесарев ойнани стол устига қўйди ва паст овозда гапира бошлади.

— Кеча бизда байрам бўлди. Сестра қиз Верочка югуриб келиб: «Ўртоқ Слесарев, сизни кўргани генерал келаяпти» деди. Мени кўргани, ё товба, мен солдатни кўргания, ҳамма орденлардан таққан генерал-а? Ўрнимдан сакраб туриб, одат бўйича салом бермоқчи бўлдим, эҳ, оёқ, оёқ!.. Бир оёқда қоида бўйича салом бериб бўлади дейсизми. Мана у, кириб келди.

— Саломатлик тилайман, ўртоқ генерал! — деб, салом бердим.

Ва ўрнимдан тура бошладим, худо ҳақи, тура бошладим. У, ётаверинг, дея буюрди. Қўлимни маҳкам сиқди.

— Сиз Чапаевда хизмат қилганмисиз?

— Шундай! Пулемётчи бўлиб. Уральскда яралар бўлдим.

— Оёғингизга нима бўлди?

— Ротага телефон симини тортардим. Сайхон жой. Уч немис снайпери отмоқда. Айланиб ўтиш мумкин эмас. Ундай ҳам қилиб кўрдим, бундай ҳам... Икки метрча олга югуриб ётаманда, ён томонга эмаклайман. Ўқлар қулоқ остидан, бош устидан ҳуштак чалиб ўтарди. Саккиз метр жойга чопиб борганимдан сўнг, оёқсиз қолганимни сездим. Чуқурликкача судралиб бордим. Лекин симни улдим.

— Бизда пулеметчи бўлдингизми?

— Шундай. Огольци қишлоғи ёнида қарши атакани қайтарганман. Ўша вақтда аблаҳларнинг етмиш-саксонтачасини қирганман. Яна кўпроқ қирардим-ку, бироқ қўлимдан яралар бўлдим.

— Неча марта яралангансиз?

— Етти марта, ўртоқ генерал.

Генералнинг кўзи нима учундир ёшланди ва у, менга шундай деди:

— Сизнинг оёғингизни докторлар тузатишади, мен эса, сизни содиқ хизматингиз учун Қизил Байроқ ордени билан мукофотлайман.

— Совет Иттифоқига хизмат қиламан!

Ўша куни генерал тўққиз одамни мукофотлади.

— Сиз, менинг ёнимдаги кроватда ётган қўшниларимнинг ҳам суратини олинг, Лочинлар! Уларни ҳам генерал тақдирлаган. Егор Вахрушев ўртоқлари билан бир юз ўттиз иккита фашистни асир олган.

Мана, уни озғин деманг, унинг юраги эса ботир. Ўзбек Шералиев. Тогда уларда жанг бўлди. Уни қишлоқ орқасида яраладилар. Олиб кетишга улгиришмади: қишлоқ қўлдан қўлга ўтиб турди. У, қор устида ва қор остида икки кун ётди. Ҳам немис, ҳам бизнинг мина ва снарядлар ён атрофга келиб тушмоқда. Кечаси — мушак. Унга уч немис яқинлашиб келди. Бириси қўндоқ билан оёғига урди. Дош берди, индамади. Немисга асир бўлгандан жангда ўлим афзал. Иккинчи куни оқшомда ўртоқлари уни олиб кетди. Бу маҳоратни сезиш керак. Ҳақиқий Сталинград солдати! Федоров, Ечказов, Омонбоев ва Васканьянларнинг ҳам расмини олинг. Уларни ҳам генерал тақдирлаган...

Бизга фотограф яқинлашди. Слесарев мўйловларини бураб, расм олдиришга ҳозир бўлди.

Майор П. МЕЛЬНИКОВ.

1945 йил 7 февраль.

Маҳр ва сеп

Абдулла ҚАҲҲОР

Шерали билан Шаҳринисо бирбиримни яхши кўрар эди. Лекин иккови ҳам очиқчасига бирнима деёлган эмас, — бир нима дейиш қаёқда, даладами, қишлоқдами, бир-бирини кўриб қолса худди биров «йўқ!» деятгандай чулдираб қолар эди.

Ошиқликни беркитиб бўлар эмишми! Буларнинг дардини, барибир ҳамма билар эди. Шерали аскарликка кетаётганида кузатганлари чиққанлар шунинг учун орадаги кераксиз парвани кўтара қолишди.

Шаҳринисонинг ўртоқлари четга тортиб:

— Нез қилмай ўл! Гаплашсанчи! — дейишди.

Йигитлар Шералини турткилашди:

— Ким айтади сени йигирмага кирган йигит деб, иссиқ-иссиқ ўпмайсанми...

Кузатгани чиққанлар ўзларини ғўлликка солиб туришди. Иккови бирин-кетин станциянинг орқасига ўтиб кетди.

Шерали даромад қилгани гап тополмай, Шаҳринисонинг қўлини ушлади.

— Мана энди биз кетаётибмиз, сиз қолаётибсиз...

— Ой бориб, омон келинг...

— Сизга бирнима демоқчи эдим.

— Айтинг.

Шерали икки-уч, оғиз ростлади-ю, индай олмади.

Шаҳринисо кулиб юборди.

— Эсингизга солайми? «Яхши кўраман» демоқчи эмасмикинсиз?

Шерали қипқизариб бир кўзи кичрайиб кетди. Лекин ҳийла дадил бўлиб унинг билагидан ушлади.

— Сизчи? Менга қаранг. Бир қаранг! Сиз ҳам яхши кўрасизми?

Шаҳринисо Шералининг билагини чимчилаб:

— Боринг! — деди ва тўпписини кўзига туширди.

Унинг бу ҳаракати Шералининг саволига энг яхши жавоб эди. Бироқ Шерали бунга қаноат қилмас, рўй-рост «мен ҳам сизни яхши кўраман» дейишни хоҳлар эди. Шунинг учун гапни айлантирди.

— Бизнинг-ку суратимиз сизга керакмасдир, лекин сиз суратингизни берсангиз бўлар эди. Ё арзимаймизми? Мумкинми сочингиздан бир толасини олсам? Ёдгорликка...

— Ёдгорлик берганман-ку.

— Нима берибсиз?

Шаҳринисо аразлаб бурилди.

— Ҳали ҳам биламас экансиз-да!

— Билмайман. Нон урсин агар билмайман! Кечирасиз...

— Билмасангиз билиб олинг: кўнглимни берганман!

Шаҳринисо қизиқ устида шундай дейишга дедию, кейин уялди; чопқиллаганича панжарасининг орқасига ўтиб кетди. Бу яхши бўлди, чунки Шерали унинг сўзига жавобан нима дейишини, нима қилишини билмас, нима деса ва нима қилса назарида сохта чиқадигандай кўринар эди. Унинг сўзини босиб тушадиган зўр гапни хайрлашганда топиб айтиш умиди билан ўзига тасалли берган эди, бу ҳам бўлмади. Хайрлашганда Шерали шундай бир аҳволда эдики, кузатгани чиққанлардан кимдир «бола бечорани муҳаббат элитибдиху» деб қўйди.

Орадан яқин икки ой ўтиб, Шералидан хат келди:

«Ой юзли, ширин сўзли Шаҳринисохонга!

Узимни соғ-саломатлигимни билдиришлик бароварида сиз гўзал ёримнинг ҳам ўйноб-кулиб юришингизни табиатнинг энг нозик жойларидан тилаб қоламан.

Мени сўрасангиз, ҳозир ҳарбий лагердамон... «Машқда қийналсанг, урушда қийналмайсан» деган шиорни ортиғи билан бажармоқдаман, пулемётга шиқибоз бўлиб қолдим. Шуни ҳали ҳавас билан ўрганмоқдаман. Яна шуни билдимки, Шаҳрихон, агар ишлар планли, киши интизомли бўлса, битта одамнинг қўлидан жуда-жуда кўп иш келар экан. Шу тартиб-интизомнинг тўртдан бири эвеномизда бўлса ҳар тўп ғўлдан баҳазур бир қийимлик пахта олишимиз мумкин экан, деб қўйдим. Омонлик бўлиб қайтиб борсам, бутун район қоғил қоладиган иш қиламан...

Сизни соғиндим. Жон Шаҳрихон, бир марта тушимга киринг. Энди қандай қилай, иш қилиб менга берган сўзингиз чин бўлса бас. Узингиз биласиз, сизни қанчалик яхши кўришлигимни юз процент ёзаман десам, бир гектар қоғоз ҳам етмайди.

Хатингизга интизор бўлиб Шерализ».

Шаҳринисо ёзган жавобида қанча байт-газаллардан кейин шундай деди:

...Районни қоғил қолдирадиган ишни шу ерга келиб қиладиган бўлсангиз, пулемётни жўхори кўригани ўрганаётган экансиз-да. Мен ўшанақа ишни урушда қиласиз деган умидда эдим. Ундай бўлса шарт кўяман: менга маҳр берасиз, менинг маҳрим — юз немиснинг боши. Мени қанчалик яхши кўришингизни билдирмоқчи бўлсангиз бир гектар эмас, тўрт энлик қоғоз етарли...

Шерали бу шартга унаб хат қайтарди.

«...Юз немиснинг боши бизники! Ё донғим чиқади, ё чангим чиқади. Энди мумкинми биз ҳам бир нарса десак, Маҳр сўраган қиз сепи билан келади, сизнинг сепингиз нима бўлади. Мен бориб қилмоқчи бўлган ишни сиз қила оласизми?

Сизнинг сепингиз шу бўлади». Шаҳринисо нима жавоб берганлиги кузда маълум бўлади.

1944 йил 18 июнь.

СЕН МЕНИ КУТАСАН

Мен ҳаёт мадҳини куйлаганимда,
Хаёлим самода булбулдек учар.
Мен зотан окопда ётган чоғимда,
Диёрим, жаннатим ёдимга тушар.
Юрагинг орзуси саодат эрур,
Соғинганинг биламан, — буни дил сезар.
Соғиниш эмас, ёр, енгиш мақсаддир,
Соғиниш синани озгина эзар.
Эсингда бор бўлса нигорим, жоним,
Кузатиш учун деб вокзалга чиқинг.
Шу дафъа кўзингда севимли ёрим,
Кўп эмас, тўрт томчи ёшингни тўкдинг.
Тўрт томчи кўз ёшинг — тўрт йиллик ҳижрон,
Юрагим ишқингда ёнаркан зотан,
Бу башар севгиси, дидам нигорон,
Муҳаббат ошадир сенга гул Ватан.
Э, боғи чаманлар, жаннатим диёр,
Душманни янчмасам, мени ер ютсин!
Э, кўзи шаҳло қиз, моҳ юзли нигор,
Фашистни соғ қўйсам, мени ер ютсин!
Онтим шу! Қолгунча бир томчи қоним,
Ёв учун мен шафқат қилсам ер ютсин!
Онтим шу! Танамда бор экан жоним,
Фашистга марҳамат қилсам ер ютсин!
Тўрт томчи кўз ёшинг учун нигорим,
Тўрт минг ёв қўлимда бўлар хокисор,
Тўрт томчи ёшинг учун азизим, ёрим,
Евни уражакман бўлгунча тор-мор.
Ғалаба шарафла карвон боради,
Ғарбга деб Ватаним берганда фармон.
Тоғлар ва тошларин бағрин ёради,
Бу карвон шаънига ер юзи ҳайрон.
Сен мени кутасан умид кўзила,
Севганим учрашув куни келади,
Сабрсиз кутасан ҳаёт юзила,
Кўришув сабоси ўйнаб елади.
Сабр қил гўзалим, бир оз сабр қил,
Ёришар бахтимиз олтин қуёши.
Тўрт томчи кўз ёшинг унутмайди дил,
Тўхтади халқимнинг кўздаги ёши.
Агар ёв бошимдан ўқлар ёғдирса,
Ўлимдан қўрқмайман, шуни яхши бил!
Минг турли аламла қалбимни тилса,
Барибир ёв ўлар, жоним сабр қил!
Сабр қил, нигорим, яна сабр қил,
Иқболинг сабоси ўйнаб ўтади,
Сабр қил, дилдорим яна сабр қил,
Саодат юзлардан албат ўпади.
Саодат учун деб ҳужум қиламиз,
Ев асир қилмайди тожу-тахтимиз.
Юракнинг ишончи — ёвни енгамиз,
Ёв қора қилмайди — озод бахтимиз.
Саодат бу меҳнат, бу ғалабадир,
Қўл кучи юракда яратар уни,
Саодат бу кураш, бу пўртонадир,
Ухламай жанг қилмоқ керак тун-кунн.
Саодат бу башар, бу улуғ инсон,
Бу диёр, бу ер ё муқаддас тупроқ.
Саодат бу борлиқ, бу буюк Ватан,
Енгилмас Ватанним жамоли порлоқ.
Агар жанг чоғида ўлимдан қўрқсам,
Бир нафас ичида мени ер ютсин,
Душманни янчмасам, тор-мор қилмасам,
Шу жангнинг кечида мени ер ютсин.
Мана шу тепадан Берлин кўринар,
Бу ёвнинг энг сўнгги ўлим марраси,
Яралар ёв яна қайга, уринар,
Берлинни титратар «Катюша» саси.
Онтим шу нигорим, севимли ёрим,
Юракда қўзингнинг тўрт томчи ёши,
Онтим шу баҳорим, ўсган диёрим,
Яшнайди, порлайди иқбол қуёши.

Маъруф ҚОРНЕВ

1945 йил 27 март.

ХОТИРАЛИ КУН

Немис ва мажорлар бир кун ичида бир аҳоли пунктига етти марта контратака қилдилар. Пиёдаларимиз, бронеташар ва тўпчиларимизнинг берган зарбалари натижасида гитлерчиларнинг ҳамма атакаси қайтарилди. Душман бу урушидан ҳеч нарса чиқара олмагач, 4 танк, 7 бронетранспортёр ҳимояси остида пиёдаларини қайта жангга ташлади. Лекин бу сафар ҳам унинг уруниши пучга чиқди. Бу жангда айниқса тўпчи ва миномётчилар ўзларини кўрсатдилар.

Гвардиячи старшина Пестов тўпчилари моҳирлик ва чаққонлик билан ишладилар. Юнусов ўз тўп расчети билан эпчил ҳаракат қилиб, 1 танк ва 3 бронетранспортёрни мажақлаб юборди. Бу ўзбек йигитининг биринчи муваффақияти эди. «Бу кун менинг учун унутилмас кунлардан бириди», — дейди у.

Гвардиячи ефрейтор Иномжон АКБАРОВ.

1944 йил 5 январь.



УЧ ҚАҲРАМОН ВЗВОДИ

Олдинги маррада — жимжитлик. Агитатор Тимофей Востриков ёш жангчиларга, улар қандай шонли взводда хизмат қилаётган эканликларини айтиб бермоқчи бўлди. Дарё бўйига боришди. Жарлик бирданига тугаб, дарахтзорлар кенгайди ва жангчиларнинг кўз олдида Прут дарёсининг ўйноқи сувн пайдо бўлди.

— Биз мана шу ерда урушганмиз, — деди Востриков.

Солдатлар бу ерга диққат билан кўз ташладилар. Уларнинг ёнида мажақланган немис замбараги, оқ кумлар устида протизогазлар, милтиқлар ва отилган гильзалар ётар эди.

Жангчилар кўкаламзорга ўтиришди. Востриков учта Совет Иттифоқи Қаҳрамонларини тарбиялаган взвод ҳақида ҳикоя бошлади.

Галимзан Камолиев, Ўринбек Ёқубов ва Иван Сидоренко биздя этикдўзлик қилар эди. Бўш вақтларида ўт очиш позициясига келиб, қорага олишни ўрганар эди.

Днепрдан ўтиш вақти келди. Кечаси миномётчилар ўқчилар билан бирга ёғоч қайиқларга ўтиришди. Биринчи қайиқлар қирғоқдан жилиши биланоқ, душман артиллерияси ура бошлади. Дарёга қараб бир неча батареялар ўриб турарди. Снарядлар қайиқларнинг ёнига тушиб ёрилишига қарамай, улар ўнг соҳилга етиб олишга интилар эдилар.

Агитаторнинг ҳикоясига жангчилар диққат билан қулоқ солишди. Улар ўзларининг қаҳрамон ўртоқлари билан фахрланиб ўзлари ҳам ўшалар сингари бўлишни ҳавас қилардилар. Агитатор ҳикоясини давом эттирди:

— Тездан жанг бошланиб кетди. Қайиқ соҳилга етмай туриб оқ. Ёқубов билан Камолиев сувга ўзларини ташлашди ва қирғоққа чиқиб олиб, немисларга қараб ўт очдилар. Гитлерчилар контратака қилишди. Жанг қизиб кетди. Ёқубов ўз миномётидан юз метрдан туриб уриб берди. Ёқубов билан Камолиев миналари тугагандан кейин милтиқларини қўндаланг тутиб, найзабозликка ташландилар. Улар қўл жангида бир неча фашистни санчиб ўлдириб, уларнинг окопларига босиб кирдилар. Шу пайтда ўт очиш позициясида старшина билан бирга Сидоренко пайдо бўлди. У, бир қайиққа мина тўлдириб, ўнг соҳилга ўтди. Миномётчилар яна ўт оча бошладилар. Этикдуз Сидоренко бир миномёт ёнида туриб олиб, жуда мўлжал билан отар эди.

Сизлар шундай бир қисмга келдингизким, бу қисм граждаплик уруши йилларида Царицинни ҳимоя қилган. Бунинг учун унга «Сталинград» номи берилгандир. Сиз шундай взводга келдингизким, ундаги ҳар бир жангчи — қаҳрамондир. Сиз ўз ўртоқларингизга муносиб бўлишингиз керак.

Қўёш тоғ ортига яширинди. Кечки салқин ҳам тушди, лекин агитатор Востриковнинг ёш жангчилар билан самимий суҳбати яна бир қанча вақт давом қилди.

Старший лейтенант
И. ЛЮБАВСКИЙ.

1944 йил 9 август.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
3-БЕТ, 28 АПРЕЛЬ 1965 ЙИЛ.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР
ОДАМЛАР
ВОҚЕАЛАР

ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИНИНГ АДОЛАТЛИ ТАЛАБИ

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

26 апрелда Совет ҳукумати баёнот эълон қилди. Баёнотда бундай дейилади: Совет ҳукумати ўзининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига мувофиқ равишда, нацист ҳарбий жиноятчиларни фош қилиш ва жазолаш учун тегишли чораларни кўра беради. Ана шу жиноятчиларнинг ҳар бири устидан одил судлов ўтказилмагунча, Совет ҳукумати бу ишни давом эттира беради.

Германия Федератив Республикасининг президенти нацист ҳарбий жиноятчиларни суд жавобгарлигига тортиш муддатини расмий равишда 1969 йил 31 декабргача узайтириш ҳақида Бундестаг қабул қилган қонунини 13 апрелда имзолаганлиги муносабати билан Совет ҳукумати юқоридаги баёнотни эълон қилди. Бироқ, Бундестаг қабул қилган қонун Германия Федератив Республикасининг қонунларига асосан умрбод қамоқ жазоси берилиши лозим бўлган шахсларга нисбатан татбиқ этилади, холос. Бинобарин, бошқа барча нацист жиноятчиларнинг гуноҳи ана шу қонунга биноан ҳақиқатда кечиб юборилади. Айни бир маҳалда яна бир қонун лойиҳаси Бундестагнинг юридик комиссияси муҳокамасига топширилди. Бу лойиҳа умрбод қамоқ жазосига тортилиш хавфи остида турган жиноятчиларни жавобгарликдан қутултириб юбориш учун ҳам кенг имконият яратиб қўйишни кўзда тутади.

Германия Федератив Республикасида қабул қилинган қонун, дейилади Совет ҳукуматининг баёнотида, жаҳонга ва инсониятга қарши энг оғир ёвузликлар қилган фашист жаллодларни ва қотилларни адолатли интиқомдан қутқариб қолишга уринишдан бошқа нарса эмас. Шу билан бирга, ана шу қонун қўпол мунофиқликдан иборат бўлиб, гитлерчи босқинчиларни улар қилган жиноятлар учун жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг ўтган йил ноябрь ойида эълон қилган қарорига қарши қаҳр-газаб билан норозилик билдирган жаҳон жамоатчилигини, жаҳоннинг ҳамма мамлакатларидаги миллион-миллион софдил кишиларни чалғитишга уринишдир.

Жаҳон халқлари ҳарбий жиноятчилар қаерда бўлишларидан ва қачон тутиб олинишларидан қатъий назар, уларни қаттиқ жазолаш керак, деган адолатли талабини қўллаб-қувватлайди. Совет ҳукумати АҚШ, Буюк Британия ва Франция ҳукуматларига шуни эслатиб қўйишни истар эдики, деб таъкидланади баёнотда, герман нацизмини ва милитаризмини таг-томири билан тугатиш учун улар ҳам жавобгардирлар, бинобарин, Германия Федератив Республикасининг территориясидаги гитлерчи жиноятчиларнинг ҳаммаси қилмишига яраша жазоланмоғи учун таъсирчан чораларни кўриш АҚШ, Буюк Британия ва Франция ҳукуматларининг бевосита бурчидир. (ТАСС).



ВЕНЕСУЭЛА. Мамлакат пойтахти Каракасда 40 мингдан ортиқ киши намойишлар ўтказилишини тақиқловчи ҳукумат қонунига қарши норозилик билдириб кўчага чиқдилар. Улар шунингдек иш ҳақининг оширилиши ҳамда сиёсий маҳбуслар нинг қамоқдан озод қилинишини талаб қилдилар. «Янкилар, Вьетнамдан қўлингни торт!», «Янкилар, Венесуэладан чиқиб кетинг!» деб ёзилган улар кўтариб олган плакатларда. Намойишчилар полициянинг қаттиқ ҳужумига дучор бўлишди. Суратда: парламент биноси олдида полициячилар намойишга чиққан кишиларни тарқатиб юбормоқдалар.

ТАСС фотохроникаси.

ҚАРДОШ СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА

ВЕНГРИЯ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ СЕССИЯСИ

БУДАПЕШТ. Бу ерда Венгрия фанлар академиясининг сессияси тамом бўлди. Сессия қатнашчилари президиумининг бундан буёнги даврдаги вазифалар тўғрисидаги докладини ҳамда шу ҳақдаги қарорини маълумот учун қабул қилдилар. Шундан кейин фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини, корреспондент аъзоларини ва фахрий аъзоларини сайлаш ўтказилди. Совет олимларидан А. Н. Колмогоров, П. П. Лукьяненко, Б. В. Петровскийлар, шунингдек чет эллик бошқа олимлар Венгрия фанлар академиясининг фахрий аъзолари қилиб сайландилар.

ГДР САНОАТИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

БЕРЛИН. Германия Демократик Республикасида 1965 йилнинг бир кварталида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 6,8 процент кўпайди. Меҳнат унумдорлиги 6,8 процент ошди. Германия Демократик Республикаси марказий статистика бошқармасининг эълон қилинган ахборотида ана шу ҳақда гапирилади.

Саноатнинг химия тармоғида маҳсулот ишлаб чиқариш айниқса кўп. Оғир ва транспорт машинасозлиги тармоғида 12 процент, станоксозлик тармоғида 14 процент, электротехника тармоғида 10 процент ортди. Маҳсулот сифати ҳам оширилди.

Оммавий социалистик мусобақанинг авж олдириб юборилганлиги планнинг муваффақиятли бажарилишига ёрдам берди.

ПОЛЬША ИУЛ ҚУРУВЧИЛАРИНИНГ БАЙРАМИ

ВАРШАВА. Янги автострадалар қуриш учун бир неча миллиард злотий маблағ ажратилган эди. Бу эса халқ Польшасидаги йўл магистралларининг қиёфасини батамом ўзгартириш имконини берди. Йўлсизлик синоними бўлиб келган «поляк йўллари» деган ибора энди ўз моҳиятини йўқотиб қўйди. Эндиликда Польша Халқ Республикасининг территорияси жуда кўп автомобиль йўллари ва тош йўллар билан қопланган. Бу йўлларнинг умумий узунлиги қарийб 240 минг километрни ташкил этади.

Польша йўлчилари ва автомобиль транспорти ходимларининг 200 минг кишилик армияси 25 апрелда ўз кунларини нишонладилар. (ТАСС).

ҲИНДИСТОН МИНИСТРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ДЕҲЛИ, 26 апрель. (ТАСС). Ҳиндистон ташқи ишлар министри Сваран Сингх Ҳиндистон ҳукумати бошқа мамлакатларнинг территориясида чет элларнинг ҳарбий базаларини тузишга қарши чиқаётганлигини бугун халқ палатасида сўзлаган нутқида яна таъкидлади. Англия билан Америка Қўшма Штатлари ҳинд океанида ядро базалари тузмоқчи бўлаётганлигига тўхталиб, министр Ҳиндистон ҳукумати ўзгаларнинг территорияларидаги чет эл ҳарбий базаларига нисбатан ўз муносабатини қайта қараб чиқмоқчи эмас, деди. Ҳиндистон, деб ўқтирди С. Сингх, Африкада ва ер куррасининг бошқа жойларида ядросиз зоналар вужудга келтирилишига тарафдордир.

ВЕНЕСУЭЛА ПАРТИЗАНЛАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲАРАКАТ ҚИЛМОҚДАЛАР

ГАВАНА, 26 апрель. (ТАСС). Венесуэла миллий озодлик фронтининг партизан отрядлари ҳукумат қўшинларига қарши олиб борилган жанглардан кейин Монагас ва Сукре штатларида аҳоли яшайдиган 5 пунктни ишғол қилдилар.

Пренса Латина агентлигининг мухбири Каракасдан хабар беради: партизанлар ишғол қилинган қишлоқларда митинглар ўтказиб, миллий озодлик фронти курашининг программасини тушунтириб бердилар, ҳозирги Венесуэла ҳукуматининг халққа қарши қаратилган сиёсатини ва АҚШнинг мамлакат ички ишларига аралашувини қораладилар.

ҲИНДИСТОН—ПОКИСТОН ЧЕГАРА МОЖАРОСИ

26 апрель (ТАСС). Чегаранинг Кач Ранни (Кач қўлтиғи соҳилидаги пасттекислик — ред.) районидан ўтадиган қисми (Ғарбий Покистон—Ҳиндистон) тўғрисидаги масалада Покистон билан Ҳиндистон ўртасида мавжуд бўлган ихтилофлар сўнгги кунларда анча кескинлашиб, чегарада жиддий можаро бошланишига олиб келди. Бу можарода Ҳиндистон томонидан ҳам, шунингдек Покистон томонидан ҳам қуролли кучлар қатнашмоқда.

9 ва 12 апрелда бўлиб ўтган икки тўқнашувдан кейин шу райондаги чегара полицияси мунтазам қўшинлар билан алмаштирилди. Ҳар иккала томон можаро бошланган районга қўшинлар келтиришни давом эттирмоқда. Ҳиндистон матбуотида босилган хабарлардан маълум бўлишича, шу жойда ҳар бир томоннинг тахминан уч мингдан аскари бор.

Ҳиндистоннинг танқидли давлат арбоблари чегаранинг ана шу қисмида вужудга келган аҳволга катта эътибор бермоқдалар. Масалан, Бош Министр Л. Б. Шастри 16 апрелда Оллохобод шаҳри (Уттар Прадеш штати)да ўтказилган митингда сўзга чиқиб, Ҳиндистон ҳукумати шу низони бартараф қилиш ҳақида Покистон билан музокаралар олиб боришга тайёрдир, бинобарин, можаро тинч йўл билан бир ёқли қилинса, яхши бўлур эди, деди. Бироқ, деб уқтирди Бош Министр, башарти, музокаралар ижобий натижа бермаса, Ҳиндистон жавоб ҳаракатлари қилишга тайёрдир.

КАРАЧИ, 26 апрель (ТАСС). Кач Ранни районида вужудга келган можарога Покистоннинг ҳукумат доираларида ҳам ниҳоятда жиддий эътибор берилмоқда. Покистон ташқи ишлар министри З. Бхутто мана шу районда илгари ҳам чегара можаролари содир бўлиб турганлигини, лекин бу можаролар ҳали ҳеч қачон сўнгги вақтлардаги сингари зўрайиб кетмаганлигини тан олди.

З. Бхутто Покистон Ҳиндистон билан чегара можароларини музокаралар олиб бориш йўли билан бартараф этишга ҳаракат қилмоқда, деса ҳам, бироқ «албатта бизнинг дағдағага жавоб қайтаришимиз керак», деб илова қилиб қўйди.

* * *

Кач Ранни — одам яшамайдиган шўр ботқоқликлардан иборат бўлиб, унинг саҳни 25 квадрат километрдир. У, Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги чегарада ҳинд дарёси бошланадиган жойдан шарқроққа жойлашган. Бу территориянинг кимга қарашли экани тўғрисида 1947 йилдан, яъни британия мустамлакачилари Ҳиндистон ярим оролини ташлаб, бартараф қилинмаган бир қанча чегара масалаларини Ҳиндистон билан Покистонга ташлаб кетган вақтдан буён жанжал бўлиб келади.

ТЕЛЕГРАММА ТЕЛЕФОНДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Айтайлик, таниш-билишларингиздан бирига шошилинч телеграмма юбориш лозим бўлиб қолди. Бунинг учун алоқа бўлимига бориб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Сиз телеграммани телефон орқали беришингиз мумкин.

Қайси номерли телефонга қўнғироқ қилиш керак, деб сўрарсиз? 06 номерга телефон қилсангиз трубкани телеграммаларни қабул қилувчи оператор олади. Гаплашаётган телефонингизнинг номерини айтасиз. У сизга шу заҳотиёқ телефон қилади ва телеграмманн ёзиб олади.

Телефон орқали телеграмма беришнинг яна бир қулай томони бор. Сиз, борди-ю, телеграмма юбораётган кишингизнинг адресини аниқ билмасангиз, оператор уни топишга ёрдамлашади. Телеграмма адресли справка билан юборилади. Шунда у ўз эгасининг қўлига бориб тегади.

Телефон орқали телеграмма қабул қилувчи пункт Тошкентдаги 34-алоқа бўлимида ишлаб турибди.

Бу қулай хизматдан фойдаланишингиз мумкин. Пункт ходимлари хизматингизга тайёр.

Телетайп лентасидан

● АҚШ президентининг вакили Кэбот Лож икки кунлик визит билан Сеулга келди. Бу ерда у Жанубий Корея расмий шахслари билан Вьетнам тўғрисидаги масалани муҳокама қилади.

● Салазар охранкаси (ПИДЕ) Лиссабон яқинида жойлашган яширин босмахонага ҳужум қилди ва Португалияда тақиқланган коммунистик партияга мансуб деб айблаб, 6 кишини қамоққа олди. Охранкачилар босмахонада коммунистик партия нашр этаётган «Аванте» ва «Милитанте» газеталарининг нусхаларини мусодара қилди.

● Югославия президенти Иосип Броз Тито тўрт кунлик давлат визити билан Қоҳирага келди.

● Англиянинг Ньюкасл-апонтайн шаҳрида планета ва юлдуз магнитизми бўйича халқаро конференция очилди. Конференцияда Қрим астрофизика обсерваториясининг директори А. Б. Северний Совет Иттифоқининг вакили сифатида қатнашмоқда.


● Непал короли Махендра ва Ҳиндистон бош министри Лаъл Бахадур Шастри қўшилмаслик ва тинч-тотув яшаш принципларига ўзларининг содиқ эканликларини яна таъкидладилар. Ҳиндистон бош министрининг Непалга қилган сафари муносабати билан эълон қилинган Ҳиндистон-Непаль Қўшма ахборотида бундай дейилади: иккала мамлакат иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлашни давом эттиришга қарор қилдилар.

● «Иван Франко» теплоходи Истамбул порти причалига келиб тўхтади. Теплоходда Марсель — Пирей — Истамбул — Ялта маршрутида сафар қилаётган 500 француз туристи бор. Туристлар Ялтадан Москвага йўл оладилар.

● Бразилиянинг Педрейрас шаҳрида (Мараньян штати) ва Собрал шаҳрида (Сеара штати) рўй берган сув тошқини натижасида, дастлабки маълумотларга қараганда, 4 киши ҳалок бўлган, 20 дан кўпроқ киши жароҳатланган. Пренса латина агентлигининг хабар беришича, Собрал шаҳрининг ўзидагина 10.000 га яқин киши бошпанасиз қолган.

● Миссисипи дарёсида яқинда рўй берган баҳорги тошқин натижасида ўрта ғарб штатларида 60 мингдан кўпроқ киши бошпанасиз қолган эди. Дарё тошқини ўтган якшанба куни шу район аҳолисига яна катта кулфат келтирди. Дарёдан тошиб чиққан сув ёмғир ювган ҳимоя дамбаларини ўпирди ва Рок-Айленд шаҳридаги (Иллинойс штати) саноат районини босиб кетди. Қўшни Молин, Ист-Молин ва Давенпорт шаҳарлари ҳам сув босиб кетиш хавфи остида турибди. (ТАСС).





Япония пойтахти Токионн тўла ҳуқуқ билан қарама-қаршиликлар шаҳри деб қараш мумкин. Бу ерда йирик саноат ва савдо фирмалари, ҳашаматли меҳмонхоналар ва ресторанлар билан бир қаторда ишчи оилалари яшайдиган кичик-кичик уйлар ва ертўлаларни, тор кўчалар ва дўконларни учратиш мумкин. Ўнгдаги суратда Косюкайдо кўчасидаги автотрасса тасвирланган. Чапда эса шу кўчадан 300 метр наридаги ишчилар яшайдиган уйларни кўриб турибсиз.

ПАНОРАМАЛИ ЭКРАН ТАЙЁР

Москвада «Мир» кинотеатри бор. У ерда фақат панорамали кинолар қўйилади. Экрани катта. Сеанс пайтида бу экранга қараб турибсиз. Ўзингизни кино қаҳрамонлари орасида ҳис қиласиз. Панорамали кино кўриш учун энди Москвага бориш шарт эмас. Тошкентнинг ҳам ўз панорама кинотеатри бор.

Ҳозир мутахассислар Санъат саройининг экранини тўла реконструкция қилиб бўлдилар. Экраннинг бўйи 16 метр, узунлиги 34 метр. Ўта махсус аппарат ўрнатилди. Тўртинчи аппарат эса кино овозини бериб туради.

Яқинда санъат саройининг бир группа ходимлари Москвадаги «Мир» кинотеатрида ўн кун бўлиб панорама киносининг миридиан-сиригача ўрганиб қайтишди.

Меҳнаткашларга бу ерда барча шароитлар яратилган. Бинонинг олди ва атрофлари ранг-баранг гуллар билан безатилган. Яқин орада биллур томчиларини пуркаб фонтан ишга тушади.

Ёзнинг жазирама иссиғида бино ҳавоси махсус ўрнатилган мосламалар орқали янгиланиб туради. Ҳарорат 18 градусдан ошмайди.

Билет сотишда ҳам янгича тартиб бўлади. Заявкалар орқали тарқатиладиган махсус касса ҳам очилади. Ташкилотлар заявка билан билетларни бир ҳафта олдин олишлари мумкин.

2 майдан Санъат саройида кенг форматли «Менинг бепоён мамлакатим» фильми намойиш қилинади.

М. ЗАРИПОВ.

ҚАДИМИЙ ХАРИТАНИНГ ИККИНЧИ ҲАЁТИ

Ремезов Сибирнинг уникал харитасини чизганига қарийб 270 йил бўлди. Энди Омск географларининг илтимосига биноан СССР Фанлар академияси шу хаританинг кўчирилган нусҳасини яна ўз ватанига юборди.

...XVII асрда Тобольск шаҳрида давлат хизматини адо этувчи Семён Ремезов тафсилий атлас чизиб, унга «Сибирнинг чизмакашлик китоби» деб ном берди. Октябрь революцияси вақтида Багров деган бир киши бу қимматбаҳо «китоб»ни ўғирлаб, чет мамлакатларга олиб кетди. Фақат 1958 йилдагина уни Гаагада нашр этди.

Яқинда Омск географлари Ермак қабрини қидиришга киришдилар. Улар ўша замонда ёзилган тарихларни ўқиб, Банше қишлоғи атрофига йўл олдилар. Географлар шу ерда «Чизмакашлик китоби»нинг 82-саҳифасида: «Ермолай Тимофеевичнинг жасади Банševлар ўтови яқинида тепаликнинг устига дафн этилган ва шу ҳақда чизма тўзилган» деган сўзларни ўқиб бениҳоя хурсанд бўлдилар, Чунки бу сўзлар қидириш ишлари учун яна бир деталь бўла олади.

В. ЛОБОДА.
— ТАСС мухбири.

ФУТБОЛ

КУЧЛАР ТЕНГ КЕЛГАНДА

Кеча Марказий «Пахтакор» стадионини тўлдирган ишқибозлар майдон эгаларининг «Торпедо» (Москва) командаси билан бўлган ҳаяжонли учрашувини кўрдилар. Мамлакатнинг ўтган йилги кумуш медалчиси «Торпедо» учун бу учрашув муҳим аҳамиятга эга эди. Меҳмонлар ўзларининг СССР биринчилигидаги 600 — юбилей ўйинини ўтказаётган эдилар. Шу сабабли ҳам улар бу матчга алоҳида тайёргарлик кўрдилар. Уларнинг составида талантли ҳужумчи В. Иванов қатнаша олмади. «Пахтакор» ҳам жанговар составни бирмунча ўзгартиришга мажбур бўлди. Машқларда оёғи шикастланган ишончли дарвоза қўриқчимиз Ю. Пшеничников ўйинда иштирок этмади. Ҳужум чизиғида И. Малиновский ҳам йўқ эди. Бу, албатта, команда ўйинига таъсир этмасдан қолмасди. Лекин шунга қарамай футболчиларимиз бутун маҳоратни ишга солиб астойдил ўйнашди.

Ҳар иккала команданинг ҳимоячилари ҳужумчиларни маҳкам ушлашди. Тўп нўпинча майдон ўртасида бўлди. Аммо пахтакорчиларнинг ҳужумчилари рақибларидан кўра активроқ ҳаракат қилишди. 31-минутда рақибларни алдаб ўтган В. Мухин тўпни В. Любушинга оширди. Лекин у қулай имкониятни бой бериб қўйди. Шундан кейин штраф майдонига кириб келган С. Мелкумов шиддат билан тепган тўп штангага тегиб қайтди. Иккинчи бўлимда ҳам ҳамшаҳарларимиз икки марта ҳисобни очиш имкониятига эга бўлган бўлсалар ҳам, бундан фойдалана олмадилар. Бурчакдан Г. Красницкий тепган тўпни қабул қилиб олган Э. Абдураимов шошиб қолди. Тажировнинг зарбаси мўлжалга тегмади. 65-минутда эса В. Мухин тўпни В. Любушинга жуда аниқ узатиб берган бўлса ҳам у тўпни дарвозага кирита олмади. Умуман В. Любушин анча бўш ўйнади. Меҳмонлардан О. Сергеев, В. Воронин, В. Шчербановлар тепган тўп ҳам натижасиз бўлди. Ўйин охиригача ҳар иккала томоннинг дарвозаси дахлсиз қолди. Шуни айтиш керакки, «Пахтакор» дарвозасининг ҳимоячиси Кисляк анча яхши ўйнаб, бирнеча ҳавфли ҳолатларда моҳирлик кўрсатди.

Учрашувни юксак савияда ўтказган бокулик Т. Баҳромов бошлиқ судьялар бригадаси ишқибозлар ҳурматига сазовор бўлди.

С. МУСАЕВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

28 АПРЕЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.25 — **Звездочка тележурнали**, 19.00 — **«Қайрат» (Олмаота) — «Политотдел» (Тошкент область) командалари ўртасида футбол** (Олмаотадан, ўйинининг иккинчи ярми), 19.45 — **Меҳмонлар** (Вильнюс телестудияси кўрсатади).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — **«Қайрат» (Олмаота) — «Политотдел» (Тошкент область) командалари ўртасида футбол** (Олмаотадан, ўйинининг биринчи ярми).

Ўзбек тилида: 18.45 — **Адабий топишмоқ** (мактаб ўқувчилари учун), 19.15 — **Тошкент янгиликлари**, 19.25 — **Европа йўлларн бўйлаб.**

Рус тилида: 20.00 — **Бош кўча** (ҳужжатли фильм), 20.20 — **Композитор С. Левашов**, 21.05 — **Тошкент янгиликлари**, 21.15 — **Ҳар кузги оқшом** (телевизион бадиий фильм).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/IV да **Сарвқомат дилбарим**, 29/IV да **Алишер Навоий.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/IV да **Гули сиёҳ**, 29/IV да **Уғил уйлантириш.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 28/IV кеч соат 7 яримда коммунистик меҳнат бригадалари учун 9-абонемент бўйича: **«Лекторий тингловчилар талабига мувофиқ концерт».** Абонементлардан ташқари билетлар ҳам сотилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Белорус цирки артистларининг гастроллари.**

КИНО

Ям-яшил уфқлар — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Палата — «ЎЗБЕКИСТОН», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Эртагача — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Шундай орол ҳам бор — «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ватанга совға (ўзбек тилида, кеч соат 6-40 минутда), **Катта йул** (кундуз ва кечқурун) — НАВОИЙ номли.

Ёкут кўзли билагузуи — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 4, кеч 6, 8 ва 9-45 минутда).

Йиғи — «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (кеч соат 8 ва 9-45 минутда).

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
28 АПРЕЛДА
ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ
КОНЦЕРТИ
Кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!
Тошкент Округ офицерлар уйида ОЧИЛГАН
«СССР ВА БОШҚА СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР ВАҚТЛИ МАТБУОТИ»
ВИСТАВКАСИ
2 МАЙГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ.
Виставка ҳар куни кундуз соат 12 дан кеч 7 гача очиқ бўлади.
Виставкани ҳамма кириб кўриши мумкин.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ
1 майдан Тошкент экранларига
Ойдин саҳифа
НОМЛИ ЯНГИ КЕНГ ЭКРАНЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМ ЧИҚАРАДИ.
Сценарий авторлари — Сарвар Азимов, Н. Рожков.
Режиссёр — Ю. Аъзамов.
Ролларда:
М. Оғамирзаев, Г. Тонунц, Г. Луковникова-Мамедова, Р. Пирмуҳамедов, А. Фалькович, В. Рождественский, В. Абдуллаев, Ю. Аъзамов.
«Ўзбекфильм» киностудияси ишлаган.

Калинин районидаги «Ленинизм» колхози правлениеси ва партия ташкилоти колхознинг собиқ бош бухгалтери, пенсионер
ШЕРМАТ РАҲИМОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, Редактор ўринбосари — 25885. Масъул секретарь — 34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 31936. Партия турмуши бўлими — 26232. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 01874. Индекс — 64969. Напр. № 1749.